АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ВА ҚОНУН

2002 йил 5 МАРТ сешанба № 9 (265) Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

2002 йил 27 феврал куни Адлия вазирлигида адлия идораларининг раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирокида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Ҳайъат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири А.А.Полвон-зода маъруза қилиб, шу йилнинг 14 феврал куни бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида Президентимиз Ислом Каримов томонидан адлия идоралари олдига қўйилган вазифаларга алоҳида тўхталди.

Жумладан, адлия идораларидан кичик ва ўрта бизнес субъектларини, хусусий тадбиркорликни давлат тузилмалари ва назорат қилувчи органлар томонидан ноқонуний аралашувлардан ҳимоя қилиш ишларини кучайтириш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча зарур чора-тадбирларни кўриш талаб қилинди.

Ҳайъатда адлия идоралари раҳбарлари ва масъул ходимлари мавзуга оид ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли ҳайъат қарори қабул қилинди, адлия идоралари олдида турган вазифалар ва тадбирлар аниқ белгилаб олинди.

Мажлис ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Исмоилов иштирок этди.

А. ПОЛВОН-ЗОДА,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

Мамлакатимиз иқтисодий ривожланишида кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларининг аҳамияти беқиёсдир. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаат ва эркинликларини кафолатлаш, қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш Адлия вазирлигининг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Адлия идоралари томонидан ўтган йил давомида тадбиркорлик фаолиятига асоссиз аралашиш, кўплаб ноқонуний текширувлар ўтказиш каби қонунчиликнинг кўпол равишда бузилиш ҳолларига чек қўйишга қаратилган қатъий чоралар кўрилди.

Бугунги кунда адлия идораларининг фаолияти шундай ташкил қилинганки, ушбу ҳуқуқбузарликларни содир этган ҳар бир айбдор мансабдор шахс муқаррар жавобгарликка тортилиши лозим.

Хусусан, ўтган йилнинг ўзида тадбиркорларнинг манфаатларини кўзлаб адлия идоралари томонидан судларга 2,4 млрд. сўмлик 2064 та даъво аризаси киритилди. Шундан 243 млн. сўмдан кўпроқ суммани ташкил қилувчи даъво аризалари бевосита 850 та мансабдор шахсларнинг ўнтагидан ундиришга қаратилган: уларнинг 181 нафари ҳокимликлар, 132 нафари солиқ идоралари, 113 нафари тайёрлов ташкилотлари, 176 нафари ширкат хўжаликлари ва 50 нафарини тижорат банклари ходимлари ташкил этади. Ушбу суд жараёнларининг телевидение орқали мунтазам равишда намойиш этиб борилиши эса давлат хизматчиларини сўзсиз тартибга чақириб, тадбиркорларга нисбатан муносабатини ўзгартиришга хизмат қилади.

Баъзи ҳолларда тадбиркорларга нисбатан ноқонуний ҳаракатларни содир этган кўплаб мансабдор шахслар суд муҳокамаси ҳамда оммага ошкор бўлишдан қўрқиб ихтиёрий равишда, қоидага кўра, суд жараёни бошлангунга қадар тадбиркорларга етказилган зарарни қоплямоқдалар. Хусусан, 2001 йил давомида адлия бошқармалари томонидан киритилган 361 та даъво аризаси бўйича айбдор шахслар ихтиёрий равишда тадбиркорлар фойдасига 52 млн. сўмдан кўпроқ моддий ва маънавий зарарни қоплагани ҳам шу фикрнинг исботидир.

Бундан ташқари Адлия вазирлиги ва жойлардаги адлия бошқармаларида "Ишонч телефонлари" узлуксиз ишлаб турибди. Тадбиркорлардан келиб тушган ҳар бир шикоят назоратга олиниб, жойларга чиқиб ўрганилади. Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларига ҳисобот даврида тадбиркорлардан 2781 дан ортиқ аризалар келиб тушди. Аризаларни кўриб чиқиш натижалари бўйича деярли 1300 та ариза ўз тасдиғини топди ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, 1100 га яқин аризалар бўйича тегишли тушунтиришлар берилди.

Шу билан бирга Адлия вазирлиги жойлардаги адлия бошқармалари ходимлари билан ҳамкорликда барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бозор ислоҳотларига оид қонунчиликнинг ижроси чуқур текшириб чиқилди. Натижада тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилган ҳолатлар аниқланди.

Мазкур қонунбузилиш ҳолатларининг сабаблари чуқур ўрганиб чиқилиб, барча вилоят ҳокимларига мавжуд аҳвол батафсил таҳлил этилган тақдимномалар киритилди. Ўз навбатида бу тақдимномалар барча вилоят ҳамда туман ҳокимликларида Адлия вазирлиги ва вилоят бошқармалари ходимлари иштирокида муҳокама этилиб, вазиятни яхшилаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Яна шу таъкидлаш жоизки, вилоят адлия бошқармаларида тадбиркорларнинг ҳуқуқларини бузилиши юзасидан аниқланган ҳар бир ҳолат бўйича назорат карточкалари юритилган. Бу назорат карточкалари тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, айбдор шахслар жавобгарликка тортилгандан сўнгина назоратдан олинади.

Ўтган икки йил мобайнида адлия идораларининг талаби билан 2230 нафар мансабдор шахс, жумладан, 373 нафар ҳокимликлар, 290 нафар солиқ идоралари, 396 нафар тижорат банклари, 216 нафар тайёрлов ташкилотлари, 174 нафар ширкат хўжаликлари ходимлари интизомий жавобгарликка тортилди.

270 нафар қонунбузар мансабдор шахслар эса адлия органларининг талаби билан вазифасидан озод қилинди. Уларнинг 36 нафарини ҳокимликлар, 42 нафари солиқ идоралари, 44 нафари тижорат банклари, 26 нафарини тайёрлов ташкилотлари ва 32 нафарини ширкат хўжаликлари ходимларидир.

Текширишларни рўйхатга олиш Китоби Президентимизнинг қўллаб-қувватлаши боис қонуний даражага кўтарилди. Бу ноқонуний текширишлар сонини кескин камайтириш учун имкон берадиган қатъий чорадир. Тадбиркорлар бу китобдан айрим нопок мансабдор шахсларнинг ўз фаолиятларига ноқонуний аралашувларидан ҳимоя қилиш учун қалқон сифатида фойдаланмоқдалар. Текширишларни рўйхатга олиш Китоби тақдим этилганда, ноқонуний текширувчи мансабдор шахслар имзо чекишдан қўрқиб қайтиб кетганлигини исботловчи кўплаб мисоллар мавжуд. Ҳозирги кунга қадар адлия идоралари томонидан 170 мингдан ортиқ Китоб тадбиркорларга етказиб берилди.

Асоссиз равишда мукобил текширишлар ўтказиш ва тадбиркорларни хизмат хоналарига чақиришга чек қўйиш учун Республика Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда жойларга тегишли кўрсатмалар юборилди. Бу кўрсатмалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг барча бўлинмаларида муҳокама қилинди, қонунни бузган ходимлар жавобгарликка, хусусан, жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилди. Натижада мукбил текширишлар ва тадбиркорларни асоссиз равишда хизмат хоналарига чақиртиришлар сони камайди.

Президентимизнинг доимий эътибори туфайли кейинги йилларда биринчи бор бир қатор жиддий масалалар бўйича кескин бурилишлар юз бермоқда. 1999 йилга нисбатан ноқонуний текширишлар сони ўнлаб марта қисқарди, тадбиркорларни ноқонуний жавобгарликка тортиш ҳолатлари кескин камайди. 2000-2001 йилларда судлар томонидан 503 та тадбиркор оқланди ва жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан судларга 2,9 млрд. сўм миқдорида 4486 та даъво аризалари киритилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, адлия идоралари томонидан фермерлар манфаатларини кўзлаб даъво аризалари киритилиши натижасида хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилган ушбу тоифадаги ишларнинг сони икки маротаба қўлайди.

Шу билан бирга ижарачи ва оила пудратчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, оила пудратчиларининг манфаатларини кўзлаб судларга 365,7 млн. сўм миқдорида 2843 та даъво аризалари киритилди.

Шу билан бирга амалга оширилган бу ишларнинг натижаларидан тўла қаноат ҳосил қилмаслигимиз керак. Чунки ҳали бартараф этилиши зарур бўлган қонунбузилиш ҳолатлари кўплаб учраб турибди.

Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида тадбиркорликни ривожлантиришга оид масалаларда эришилган натижаларга ижобий баҳо бериш билан бир қаторда, бундан бошимиз айланиб, мағрурланиб кетмаслигимиз кераклигини алоҳида уқтирар экан, бу соҳада ҳали жуда кўп муаммолар бор, уларни ҳал этиш учун белни маҳкам боғлаб, қаттиқ меҳнат қилишга тўғри келишини таъкидлаб ўтди.

Маълумки, адлия идораларининг асосий вазифаларидан бири ноқонуний текширишларга чек қўйиш, ноқонуний текшириш ўтказишда айбдор бўлган мансабдор шахсларни муқаррар жавобгарлигини таъминлашдан иборатдир. Шунинг учун аниқланган ҳар бир ноқонуний текшириш бўйича шахсан вилоят адлия бошқармаларининг бошлиқлари Адлия вазири номига махсус хабарнома етказиши ҳамда ноқонуний текшириш натижасида тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарни суд орқали айбдор мансабдор шахснинг ўнтагидан ундириш чорасини кўриши лозим.

Вилоят адлия бошқармалари раҳбарлари тадбиркорлар фаолиятини ноқонуний текширишнинг олдини олиш учун қўшимча қатъий чораларни кўриши керак. Бунинг учун текширувчи идоралар фаолиятини узлуксиз равишда ўрганиб бориш, тадбиркорлар билан мулоқотларни кучайтириш, ноқонуний текшириш ўтказган айбдор мансабдор шахсларнинг муқаррар жавобгарлигини таъминлаш лозим.

Аввалги ҳайъат қарорлари ва вазирлик буйруқларида тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни бевосита айбдор мансабдор шахсларнинг ўнтагидан ундириш бўйича ишларни жонлантириш топширилган эди. Лекин Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қашқадарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри адлия бошқармалари томонидан киритилган аксарият даъво аризаларида айнан мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласини қўйилмаган. Масалан, Тошкент шаҳри адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлар фойдасини кўзлаб 69 та даъво аризаси киритилган бўлса-да, бор-йўғи 7 та даъво аризасида 12 мансабдор шахсни моддий ва маънавий жавобгарликка тортиш масаласи қўйилган. Самарқанд вилоятида эса 491 та даъво аризасидан 10 тасида 19 нафар, Қорақалпоғистон Республикасида 77 та даъво аризасидан 7 тасида 10 нафар, Қашқадарё вилоятида 86 та даъво аризасида 17 нафар, Жиззах вилоятида 96 та даъво аризасида 29 нафар мансабдор шахснинг жавобгарлиги масаласи қўйилган.

Республика бўйича адлия бошқармалари томонидан жами тадбиркорлар манфаатини кўзлаб судларга 2064 та даъво аризаси киритилган бўлиб, 850 та мансабдор шахсдан тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласи қўйилган. Лекин тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар сони энг кўп бўлган Тошкент шаҳри ва Андижон вилояти адлия бошқармалари томонидан ўтган йил давомида бор-йўғи тегишлича 69 ва 78 та даъво аризаси киритилганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Адлия вазирлиги томонидан Андижон, Бухоро ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликларига киритилган тақдимномаларда тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқлари мансабдор шахслар томонидан бузилганлиги ҳақида маълумот берилган. Хусусан, тақдимномаларда тадбиркорларни ноқонуний текшириш ва уларни асоссиз равишда маъмурий жаримага тортиш, солиқ қонунчилигида белгиланган имтиёзларни қўлламаслик ҳоллари бўйича аниқ мисоллар қайд этилган бўлса-да, юқорида номлари қайд этилган адлия бошқармалари томонидан тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан судларга даъво аризаларини киритиш суст олиб борилган.

Эътиборларингизни яна бир масалага қаратмоқчиман: айрим вилоят адлия бошқармалари томонидан тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилишда адлия идораларига берилган ваколатлардан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Жумладан, Бухоро, Жиззах, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри адлия бошқармалари томонидан тадбиркорларнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқларини бузаётган шахсларни интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан таклифлар киритиш ишлари анча суст олиб борилган. Масалан, Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси томонидан 2001 йил давомида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган шахсларни маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортиш бўйича битта ҳам таклиф киритилмаган. Вақтларни, Адлия вазирлигининг ходимлари томонидан вилоятда ўтказилган ўрганиш давомида 17 мингдан ортиқ ҳолатларда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари турли идораларнинг мансабдор шахслари томонидан бузилганлиги аниқланган.

(Давоми иккинчи бетда)

Аёл деганда, бизнинг кўз олдимизда, аввало, улуғ ва табаррук она сиймоси намоён бўлади. Инсон зоти борки, онанинг оқ сути ва бетакрор алласи билан улғаяди, оламдаги барча яхшилик ва эзгуликларни, ҳаёт сирлари ва сабоқларини она меҳри, она саховати туфайли ўрганади.

Умримизнинг энг ширин дамлари, сўнмас ҳаётий таассуротларимиз ҳам болалик даври билан, она бағрида кечган беармон йилларимиз билан боғлиқ.

Шу боис ҳам ҳар қайси инсон учун она қиёфаси, она сиймоси, онанинг муборак хотираси муқаддасдир, барчамиз учун ягона Ватан, ўзимиз униб-ўсган мана шу қадимий замин каби юксак ва илоҳий мазмунга эгадир.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 феврал -1 март кунлари Марказий Осиё давлатлари ҳамда МДҲнинг Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида ўтган саммитларида иштирок этди.

* * *

Ўзбекистон Республикасининг ГФРдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси В.Норов Берида ўриндошлик асосида мамлакатимизнинг Швейцариядаги элчиси этиб тайинланганлиги муносабати билан Швейцария Конфедерацияси Президенти К.Филлигерга ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

Тошкентда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

* * *

Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони эълон қилинди.

* * *

Тошкентда Япония ҳукуматининг кичик ҳажмдаги лойиҳаларга беғараз ёрдам дастури доирасида мамлакатимиздаги айрим илм ва тиббиёт муассасаларига ажратилган грант-шартномалар имзоланди.

3899026 СЎМ

ФЕРМЕРЛАР ФОЙДАСИГА УНДИРИЛДИ

Тадбиркор ва деҳқон-фермер хўжаликлари кун сайин кўпаймоқда. Хўш, уларга ҳуқуқий-амалий ёрдам кўрсатишга қаратилган қонунчилик ижроси қай даражада бажарилмоқда? Хатирчи туман прокуратураси кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунчилик ижросини бажариш юзасидан текширишлар ўтказди.

Текширишлар натижасида йўл қўйилган қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш ҳақидаги буйруқ ва тақдимномалар орқали 20 нафар шахс огоҳлантирилди. Уч нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, 4 нафар шахсдан 137 минг сўм ихтиёрий равишда фермер хўжалик ва тадбиркорларга ундириб берилди. Шунингдек, суд қарорига асосан 308 минг сўмлик 1 та даъво аризаси ҳам кўриб чиқилиб, ундирилди.

Бундан ташқари, "Боғчакалон" ширкат хўжалиги ҳудудида фаолият кўрсатаётган "Эрғаш Ўрин" номли фермер хўжалигига 4 гектар ер майдони ажратиб бериш кўрсатилган бўлса-да, фермер хўжалигига 3 гектар ер ажратилган, бундан 1 гектар ер майдони берилмагани аниқланди ва ер майдони фермер хўжалигига олиб берилди.

Худди шундай ҳолат туманнинг А.Пўлатов, Абу Али ибн Сино номидаги ширкат хўжаликларида ҳам қайд этилиб, мазкур фермер хўжаликларига ёрдам кўрсатилди.

Фермер хўжаликлари билан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузилган шартнома шартларининг бажарилмагани ҳақида 6 та фермер хўжалиги фойдасига 3899026 сўм ундириш бўйича тақдимнома киритилиб, ушбу суммани ундириш ҳақида вилоят хўжалик судининг қарори чиқарилди.

Мақсуд ЖЎРАЕВ,
Навоий вилояти

МИЖОЗ ҲАМИША ҲАҚМИ?

ЁХУД ЯНА КРЕДИТ ОЛИШ ХУСУСИДА

Деҳқон-фермер хўжаликлари, якка тартибдаги тадбиркорларни банклар молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётганлиги мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Банклар томонидан уларга ажратилаётган кредитлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, янги иш ўринлари яратиш, асбоб-ускуна, техника, ёқилғи, ўғит, уруғлик, чорва моллари сотиб олишга йўналтирилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун кичик ва ўрта бизнес субъектлари банкларнинг асосий мижози ҳисобланади.

Бироқ банкдан кредит сўраб қилинган мурожаат амалдаги меъёрий ҳужжатларга мос бўлгандагина мижоз талаби бажарилади. Жумладан, Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 20 июлда рўйхатга олиниб, 2000 йил 13 июнда ўзгартиришлар киритилган 775-сонли "Тижорат банклари томонидан қишлоқ ва ўрта бизнес субъектлари ва якка тадбиркорларнинг бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан кредитлаш" Тартиби, 2000 йил 29 феврал ва 7 мартда рўйхатга олинган 902- ҳамда 903-сонли "Микрокредитлар ажратиш" Тартиби ҳамда 907-сонли "Тижорат банклари томонидан олинган даромадлар ҳисобидан ташкил этилган жамғармалар бўйича кредит ажратиш" Тартибида ҳамма учун, амал қилиниши лозим қоидалар баён этилган. Шунга кўра, юридик шахс ҳисобланган фермер, деҳқон хўжаликлари, мулкчилик шакли турлича бўлган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари қайси бир банк кредитидан фойдаланишидан қатъи назар, тижорат банклари томонидан бериладиган кредит қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида амалга оширилиши лозим.

Тадбиркор кредит олиш учун биринчидан, сумма миқдори қайд қилинган, қандай мақсад, қанча муддат ва банк кредитининг қайси тури ҳисобиданлиги кўрсатилган ариза бериши зарур. Иккиннидан, молиявий натижалар, пул оқими ва дебитор-кредитор қарзлар тўғрисидаги иловалари билан солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган ҳолда корхона балансини тақдим этиши керак. Учиннидан, кредит олиш мақсад қилиб қўйилган ишлаб чиқариш, хизмат ва бошқа мақсадлардан олинадиган фойда акс эттирилган бизнес режа бўлиши лозим. Шундай бўлгандагина кредит олиш ҳақидаги мурожаат натижасиз қолмайди. Ўн кун муддат ичида банк томонидан ҳужжатлар ўрганилиб чиқилади.

Банк ҳулосаси кредит ажратиш қўмитасига тақдим этилади. Алар тавсия этилаётган бизнес режа ва корхонанинг молиявий аҳволи яхши деб топилса, кредит шартномаси тузилади. Сўнгра берилиши лозим бўлган кредитни қайтариш таъминоти сифатида мулкни гаровга қўйиш, мажбуриятнома ёки кафолат тақдим этилиши мижоздан талаб қилинади.

Юқорида қайд этилган тартибда кредит ажратилишига оид ҳужжатлар тақдим этилмаганда, кредит бериш талабларига жавоб бермаган ҳолларда банк муассасалари томонидан мижозларнинг кредитга бўлган талаблари тўғрисидаги аризалари асосли равишда рад қилинади. Бироқ тан олиш керакки, баъзан мижозлар юқоридаги талабларни тушунмайдилар. Ёки билсалар-да, юқори ташкилотларга асоссиз ариза ва шикоятлар ёзиш билан кредит ажратилишига эришишни ўзларига афзал биладилар.

Масалан, Каттақўрғон туманидаги "Нуробод" фермер хўжалиги раҳбари Ж.Ҳотамов 2001 йил 13 августда "Пахтабанк"нинг Пайшанба бўлимига 20 миллион сўм кредит беришларини сўраб ариза билан мурожаат қилган. Эртаси куни ариза банк кредит қўмитаси йиғилишида Ж.Ҳотамовнинг иштирокида кўриб чиқилган. Натижада олинадиган кредитни қайтариш кафолати таъминланмаганлиги, бизнес режа тузилмаганлиги, гаров таъминоти йўқлиги сабабли кредит берилиши мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилиниб, ҳужжатлар хўжалик раҳбарига қайтариб берилган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан Оқтош шаҳар С.Бозоров номидаги кўчада яшовчи М.Тошмуродовнинг "Пахтабанк" ва "Тадбиркорбанк" Оқтош бўлимларининг якка тадбиркор сифатида фаолият юритиш учун банкда ҳисоб рақами очиш ва имтиёзли кредит ажратишдаги тўсиқлиқлари тўғрисидаги аризаси ўрганиб чиқилди ва М.Тошмуродовнинг аризаси унинг томонидан депозит ҳисоб рақамлари очиш тўғрисидаги якка тадбиркорликка оид талаблар бўйича тегишли ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этмагани сабабли қондирилмаганлиги маълум бўлди.

Хуллас, кредит олиш учун мижоз банкка ҳужжатларни тўғри тақдим этиши шарт. Шундагина айрим тушунмовчилик ва дилхираликка ўрин қолмайди.

Шарофиддин МУСАЕВ,
ҳуқуқшунос

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Албатта, бундай сусткашликка барҳам бериш, бошлаган ишни охирига етказиш лозим. Масалан, Тошкент вилоят адлия бошқармасига "Душаев Умирзоқ" фермер хўжалиги раҳбари ҳокимлик томонидан ўзига ажратилган ерни деҳқон хўжаликлари уюшмасининг мансабдор шахслари томонидан берилмаётганлиги ҳақида ариза билан мурожаат қилган. Адлия бошқармаси томонидан дастлаб огоҳнома, кейинчалик Пискент туман ҳокимлигига тақдимнома киритилган. Бироқ огоҳнома ва тақдимнома ижроси таъминламаганлиги сабабли Тошкент вилоят адлия бошқармаси айбдор шахслардан 820 минг сўм бой берилган фойда ва 500 минг сўм маънавий зарарни ундириш юзасидан судга даъво аризаси киритган. Ушбу даъво аризаси суд томонидан тўлиқ қаноатлантирилиб, етказилган зарар жавобгар шахслардан ундирилди. Мазкур суд жараёни "Ахборот" дастури орқали намойиш этилди. Бундан ташқари адлия бошқармасининг талаби билан хўжалик раҳбари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Буни бошлаган ишни охирига етказишнинг ёрқин мисоли дейиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, айтиш керакки, ҳар бир бошланган иш қатъиятлик билан мантиқий якунига етказилса, аҳамият касб этади. Ана шундагина тадбиркор қонун кучига, қонун устиворлигига ҳамда давлат уни ҳимоя қилаётганлигига ишонади.

Вилоят адлия бошқармалари томонидан 166 та намунавий ширкат хўжалиги ва 176 та фермер хўжаликлари ташкил қилиниб, ҳар бир намунавий хўжалик учун алоҳида махсус папкалар юритилган. Лекин айрим вилоятларда бу ишлар номига, хўжакўрсинга амалга оширилаётганлиги ҳам сир эмас.

Айрим вилоят адлия бошқармалари томонидан намунавий ширкат хўжаликларида ўқув-семинарларнинг ўтказилишига етарлича эътибор берилмасдан келинмоқда. Жумладан, йил давомида намунавий ширкат ва фермер хўжаликларида Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси 116 марта, Жиззах вилояти адлия бошқармаси 108 марта ўқув-семинар машғулоти ўтказган бўлса, Самарқанд вилояти адлия бошқармаси 4 марта, Навоий вилоят адлия бошқармаси 19 марта ўқув семинар машғулотларини ўтказган, холос. Бундай аҳволда ушбу хўжаликларни қандай қилиб намунавий хўжалик деб аташ мумкин?

Бундай ҳолатни бошқа вилоятларда ҳам кузатиш мумкин.

Адлия бошқармаларининг эътиборини яна шунга қаратмоқчи эдимки, намунавий ширкат ва фермер хўжаликларини тузишдан кўзланган мақсад – қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни амалга оширишга кўмаклашишдан иборат. Бу ишда кўзбўямачилик, сансоларлик кетмайди. Шартномавий муносабатларни туман бўйича камида битта хўжаликда намунавий йўлга қўйиш, уларнинг ижобий тажрибасини бошқа хўжаликларга тарғиб қилиш орқали зиммамиздаги масъулиятли вазифани бажаришимиз зарур.

Шунинг учун ҳам яна бир марта таъкидлаб айтмоқчиманки, ҳар бир туманда камида биттадан ҳақиқатда намунавий бўлган ширкат ва фермер хўжаликлари ташкил қилиниши лозим. Айнан шу хўжаликларда шартнома интизомини бошқаларга ҳам ўргатиб боришимиз керак.

Адлия вазирлиги ходимлари томонидан ўтган йили барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг бажарилиши чуқур таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, жойларда тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, лицензиялар бериш ва ҳисоботлар қабул қилишда, уларга кредит ажратиш, текширишлар ўтказиш, хўжалик шартномаларини тузиш ҳамда улар ижросини таъминлашда қонунбузилиш ҳолатлари кўплаб содир этилмоқда.

Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича тўпланган тажрибамизнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Адлия вазирлиги гуруҳлари томонидан жойларда комплекс текширишлар ўтказилиши энг таъсирчан тадбирлардан бири саналади. Шунинг учун вазирлик томонидан вилоят ҳокимликларига киритилган тақдимномаларнинг тўла бажарилиши тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини адлия бошқармалари қаттиқ назорат остига олиш билан бирга, қонунбузилишларга йўл қўйган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда ҳар бир аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини тўла бартараф этишга қаратилган қатъий чоралар кўриш зарур. Бу ишда, авваламбор, киритилган тақдимномалар ижросининг назоратини кескин кучайтириш керак.

Яна шуни қайд этиш лозимки, айрим вилоят адлия бошқармалари бу борада бир қатор ижобий ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан Адлия вазирлигининг тақдимномаси асосида судларга 168 та даъво аризаси киритилган. Бироқ айрим адлия бошқармалари раҳбарлари бу ишда сусткашликка йўл қўяётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Масалан, Андижон, Бухоро вилояти адлия бошқармалари вазирлик топшириқларини тўла равишда бажармай, бугунги кунга қадар тегишли вилоят ҳокимликларига киритилган тақдимномаларда кўрсатилган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича назорат карточкаларининг ижроси юзасидан назорат жадвалини тақдим этмаган.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолати бартараф этилиб, тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқи тикланган ва айбдор мансабдор шахс жавобгарликка тортилгандан сўнг келажакда шунга ўхшаш қонунбузилишлар такрорланмаслиги бўйича зарур чоралар кўрилганига ишонч ҳосил қилингандан кейингина назорат карточкаси назоратдан олиниши лозим. Чунки ҳар бир фактнинг ортида ҳуқуқи бузилган ва нажот кутаётган тадбиркор турибди.

Киритилган тақдимномалар ижросини тўлиқ таъминлаш билангина жойлардаги мавжуд вазиятни ва тадбиркорликка бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб, олдимизга қўйилган мақсадга эришишимиз мумкин. Акс ҳолда, аниқланган қонунбузилишларни батараф этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича талабларимиз фақатгина қоғозда қолиб кетаверади.

Бугунги кунда тадбиркорларни асоссиз жиноий жавобгарликка тортилишига чек қўйиш Адлия вазирлигининг энг асосий вазифаларидан бири деб қаралмоқда. Шуни яна бир бор таъкидлаш жоизки, тадбиркорнинг ҳар бир ноқонуний жиноий жавобгарликка тортилишига фавқулотда ҳодиса сифатида қаралиши талаб қилинади.

Мамлакатимиз Президентининг кўрсатмаларини бажариб, тадбиркорларнинг жавобгарликка тортилишининг қонунийлигини ўрганиб бориш тизимининг жорий қилиниши натижасида асоссиз равишда маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилишнинг бир мунча олди олинди. 2001 йилда республика бўйича жиноий жавобгарликка тортилган тадбиркорларнинг сони 2000 йилга нисбатан қарийб 31 фоизга камайди. Айниқса, жиноий жавобгарликка тортилган тадбиркорлар сони ўтган йили Жиззах вилоятида 10, Самарқанд вилоятида 5, Тошкент вилоятида 3 ва Фарғона вилоятида 2 бараварга камайганлиги қувонарли ҳолдир.

Лекин таҳлиллар натижаси шуни кўрсатяптики, 2001 йилда тадбиркорларга нисбатан жиноят ишларининг сони Андижон, Навоий, Наманган ва Сирдарё вилоятларида камайиш ўрнига бирмунча ошган. Қашқадарё вилоятида эса жиноий жавобгарликка тортилган тадбиркорлар сони 2000 йилга нисбатан қарийб уч ярим бараварга ошганлигини қандай изоҳлаш мумкин? (Агар Қашқадарё вилоятида 2000 йилда 37 та тадбиркор судланган бўлса, 2001 йилда 126 та тадбиркор бўйича айблов ҳукми чиқарилган).

Албатта, бундай салбий ҳолат маълум даражада хавотир уйғотади. Фуқароларимиз орасида "тадбиркорлик билан шуғулланиш хавфли экан", — деган тушунчага батамом барҳам беришимиз керак. Тадбиркорлар жамиятимизнинг энг обрўли ва ҳурматга сазовор фуқаролари бўлишлари лозим.

Шунинг учун тадбиркорларни асоссиз жиноий жавобгарликка тортиш ҳолатларини олдини олиш мақсадида ҳар бир тадбиркорнинг иши бўйича Адлия вазирлигига хулоса бериш тартибини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги қароридан келиб чиқиб, 2002 йилнинг 9 январь куни Олий суд ва Адлия вазирлигининг барча жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судларга махсус кўрсатмаси юборилиб, тадбиркорлик субъектларига нисбатан судлар томонидан чиқарилган айблов ва оқлов ҳукмлари ҳамда жиноят ишларини тугатиш тўғрисидаги ажримлар бўйича вилоят судларининг раислари томонидан хулосалар тузилиб, ҳар ойнинг 5 кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Адлия вазирлигига юборилиши белгиланди.

Бундан кўзланган мақсад тадбиркорларни оёққа туриб олиши ва йўл қўйилган хатоларини тузатишига ҳар томонлама ёрдам беришдир.

Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан адлия идораларининг тадбиркорлар манфаатини кўзлаб киритилган даъво аризаларини ўз вақтида мазмунан ҳал этиб, тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириб бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шу билан бирга тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўзлаб киритилган даъво аризаларини судлар томонидан қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши ва тадбиркорларга етказилган моддий ҳамда маънавий зарарларни бевосита айбдор мансабдор шахсларнинг чўнтагидан ундириш тамойилини таъминланишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шу ўринда судларнинг моддий-техника томонидан қанчалик таъминланганлиги ва уларга яратилаётган шарт-шароитлар нечоғлик талабга жавоб бериши масаласининг нақадар муҳимлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки яратиладиган шарт-шароит бевосита судларнинг мустақиллигини таъминлашга ўз таъсирини кўрсатади.

Маълумки, суд тизимини янада ислоҳ қилиш, улар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлашни такомиллаштириш, мустақиллигини мустаҳкамлаш, шунингдек, суд қарорларининг ўз вақтида сифатли ижро этишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги 383-сон қарори билан Адлия вазирлиги таркибида махсус Департамент ташкил этилди.

Адлия вазирлиги тизимида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг ташкил этилиши ҳамда **"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**-ги Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан суд ижрочилари жиноят, фуқаролик ишлари бўйича ва хўжалик судларидан ажратилиб, суд ижрочиларининг 209 та туман (шаҳар) бўлинмалари сифатида шакллантирилди. Бугунги кунда ушбу бўлинмаларда 502 нафар суд ижрочилари фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

Департамент судларни моддий-техника таъминотини яхшилаш, суд ижрочилари ишини ташкил этиш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини таъминлашда бир қатор ишларни амалга ошириб келаётган бўлса-да, ҳали бу соҳада ижобий натижаларга эришилди, деб бўлмайди.

Суд ижрочилари томонидан 2001 йил давомида амалга оширган ишларининг таҳлили, уларнинг иш юритувига келган жами ижро ҳужжатларининг фақат 80,3 фоизи ижро этилганлиги 2000 йилга нисбатан 8 фоизга камайиб кетганлигини кўрсатди.

"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунни жорий йилнинг 1 январидан амалга киритилганлиги, қонун асосида суд ижрочиларига катта ваколатлар берилганлигини инобатга олиб, Департамент раҳбарияти ва унинг ҳудудий бўлимлари бошлиқлари мазкур соҳа ишига жиддий ёндашиб, уларга юкланган вазифалар нечоғлик маъсулиятли эканлигини англашлари ва ўз ишларини тубдан ўзгартиришлари лозим.

Бугунги куннинг яна бир талаби адвокатура мавқеини бошқа ривожланган давлатлардаги каби юксак поғонага кўтаришдан иборатдир. Фуқароларнинг қанчалик ҳуқуқий ҳимояланиши, қолаверса, қонун устиворлигини таъминланиши адвокатуранинг ривожланиш даражаси билан бевосита боғлиқдир.

Лекин бугунги кунда адвокатуранинг жамиятда тутган ўрни сезиларли даражада деб айта олмаймиз. Юқори малакали адвокатларга эҳтиёж жуда катта. Айниқса, тадбиркорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишда адвокатларнинг ўрни сезилмайди.

"Адвокатура тўғрисида" ҳамда **"Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"**ги Қонунларининг қабул қилиниши адвокатура фаолиятини жонлаштириш, уни умумэътироф этилган жаҳон андозаларига яқинлаштириш, юридик хизмат кўрсатиш сифатини яхшиланишига имконият яратади.

Бугунги кунда республикамизда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун жами 3000 нафардан зиёд адвокатлар лицензия олган. Улар 20 та адвокатлик коллегияси, 110 та адвокатлик фирма ҳамда 148 та бюроларга бирлашиб фаолият кўрсатишмоқда.

Биз биринчи навбатда, қисқа муддатларда адвокатурани ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишимиз керак. Бу ўринда гап адвокатура фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, ривожланган давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб, адвокатларнинг мижозларга хизмат кўрсатиш мавқеини бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган даражага кўтаришга қаратилган ҳуқуқий базани яратиш тўғрисида боряпти.

Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунлар ва қонун талабларини тарғиб қилиш адлия идоралари олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Тадбиркорлар манфаати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар самарасини ошириш, қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш, муҳими, тадбиркорликка бўлган муносабатни ўзгартиришнинг энг таъсирчан усулларидан бири оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилаётган ишлар, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан қўлланилган чораларни кенг жамоатчилик эътиборига етказишдир. Шунингдек, тадбиркорлар билан жойларда суҳбат ўтказиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича лекция ва семинарлар уюштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

"Ҳаёт ва қонун" юридик журнали, "Инсон ва қонун" юридик газетасида аҳолининг ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган, тадбиркорликдаги муаммоларга оид турли рукнларда мақолалар чоп этиш йўлга қўйилди.

Айниқса, марказий телевидениянинг "Ахборот" дастури орқали бериб борилаётган тадбиркорлар ҳимоясига бағишланган лавҳаларнинг таъсири катта бўлмоқда.

Бундан ташқари, вилоят адлия бошқармалари томонидан "Ахборот" дастуридаги кўрсатувларда шартнома мажбуриятларининг бузилиши бўйича кўрилган чораларимиз тўғрисида кўпроқ лавҳалар беріляпти. Бу яхши. Лекин, негадир бошқа бир муҳим масала — тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш, лицензиялаш, кредит беришдаги мавжуд қонунбузилишлар, тадбиркорларнинг маблағини ноқонуний жалб қилиш, уларни ноқонуний жавобгарликка тортиш ҳамда адлия идораларининг кўрган чоралари тўғрисида лавҳаларимиз жуда ҳам кам.

Умуман айтганда, тарғибот ишларимизда, кўпроқ амалда қонунларимиз ишлаётганлиги ҳақида фуқароларимизга етказайлик. Қонун бузилишига йўл қўйган шахсларнинг муқаррар жавобгарликка тортилишини, қонунларимизнинг ишлаётганлигини одамларимиз кўрсин. Шунда уларнинг қонун кучи, адолат тантанасига бўлган ишончи янада ортади.

Бугунги кунда ҳуқуқий давлатни шакллантириш йўлида ҳуқуқий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Тошкент давлат юридик институтида янги таълим услубларини жорий этиш ва иқтисодий қонунчиликни чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилинмоқда. Хусусан, аньанавий ҳуқуқий фанларни ривожлантириш билан бир қаторда бозор ислоҳотларига мос келувчи янги фанлар жорий этилиб, улар бўйича ўқув дастурлари ва дарслик-ўқув қўлланмалари яратилди.

2001 йилда янги таълим стандартлари ва дастурлари асосида 19 та дарслик, 25 та ўқув қўлланма, 13 та кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишга қаратилган рисолалар чоп қилинди.

Бизнинг фикримизча, институт жамоасининг асосий эътиборини замонавий дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳамда қонун ҳужжатларига шарҳлар тайёрлаш ва малакали ҳуқуқшуносларни етиштиришга қаратиш лозим. Шунингдек, ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини ошириш, ривожланган хорижий давлатлар университетлари билан алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш керак.

Қонунчиликнинг долзарб муаммоларини янада чуқурроқ таҳлил қилиш ва зурур таклифлар тайёрлаш ҳамда бу борадаги чет эл тажрибасини ўрганиш мақсадида Адлия вазирлигининг марказий аппаратида 19 та қонунчилик йўналиши бўйича ишчи гуруҳлари ташкил этилган. Ушбу гуруҳларни ташкил қилишдан кўзланган яна бир мақсад вазирлик тизимидаги ходимларнинг касб маҳоратини юқори пағонага кўтаришдан иборат. Шунинг учун ишчи гуруҳи таркибига тажрибали мутахассислар ва юридик институтининг профессор ўқитувчилари билан бир қаторда ёш иқтидорли ходимлар ҳам киритилган. Албатта, ушбу гуруҳлар томонидан маълум даражада ишлар олиб борилди. Ҳукуматга қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва қарама-қаршиликларни бартараф қилишга оид киритилаётган таклифлар ҳам шундан далолатдир. Ўтган йилда қонунчиликнинг долзарб муаммоларига бағишланган бир нечта конференциялар ўтказилди, мақолалар чоп этиб борилди. Ушбу гуруҳлардаги 35 нафар вазирлик ходимлари юридик институтининг кафедраларига тадқиқотчи сифатида бириктирилиб, илмий изланишлар билан шуғулланмоқда.

Бироқ шуни тан олишимиз лозимки, аксарият гуруҳлар номигагина фаолият юритмоқда. Улар томонидан мавжуд муаммолар етарлича ўрганилмаяпти, қонунбузилишларни бартараф қилиш бўйича таклифлар тайёрланмаяпти. Айниқса, аниқланаётган қонунбузилишларини таҳлил қилиш, қонунчиликдаги муаммолар бўйича илмий изланишлар қониқарсиз аҳволда эканлигини қайд этиш жоиз.

Ушбу гуруҳ раҳбарлари ва аъзоларига шуни очиқ айтиши кераки, номига, кўзбўямачилик учун ишлашнинг ҳеч кимга кераги йўқ. Бу билан кимни алдаймиз? Ахир яратилган шароитдан фойдаланиб, ўзи устида ишлаб билимини ошириш фойдали эмасми?

Том маънодаги ҳуқуқий мактаб яратиш, энг қобилиятли ва ўз ишига фидойи бўлган ҳуқуқшуносларни тарбиялаш бугунги кун талабидир.

Ўзига юклатилган масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, ўз устида доимий ишлайдиган, бошлаган ишини охиригача олиб борадиган, бутун ҳаётини қонунчиликка ва адолатга бағишлаган кадрларимизни доимий қўллаб-қувватлашимиз зарур. Ушбу ёндашишни Адлия вазирлиги изчиллик билан амалга оширади.

Баҳор адирлардан бошланади...

Бугуннинг гапи

ТАДБИРКОР ҲАҚИ УНДИРИЛАДИМИ?

Булунғур туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти билан шартнома тузаётганда Самарқанд шаҳридаги "Олишах-В" ишлаб чиқариш савдо хусусий фирмаси директори О.Ҳакимов ўшандан сўнг бунчалик сарсон бўлишини тасаввур ҳам қилмаган бўлса керак. Илгари ҳам шартнома шартларини бузиб, кўплаб тадбиркорларни овора-ю сарсон қилишга ўрганган ҳиссадорлик жамияти бу гал ҳам эски одатидан воз кечмади. (Ҳиссадорлик жамиятининг бу хил найранглари хусусида вилоят "Зарафшон" газетасининг 2001 йил 10 июл сонида "Саргардон фермер" сарлавҳали мақола чоп этилган). Хуллас, "Олишах-В" фирмаси билан тузилган шартнома шартлари бузилди. Икки ўртадаги низоли ишни 2001 йил 22 августда таҳлил этган Самарқанд вилоят хўжалик суди жавобгар томон — ҳиссадорлик жамиятидан маълум миқдордаги қарзни ундириш тўғрисида тегишли қарор чиқарди. Аммо суд қарори ҳанузгача ижросини топмай келаяпти...

2000 йил 14 ноябрда "Фильтр картон" етказиб бериш тўғрисида тузилган 13-сонли шартномага кўра "Олишах-В" фирмаси 2000 йил 27 декабрда ҳиссадорлик жамиятига 14-кирим-чиқим варақасидаги 1300000 сўм қийматга эга бўлган "Фильтр картон" етказиб берган. 2001 йил 24 январда эса 2-сонли кирим-чиқим варақаси билан 1762500 сўмлик хом ашё берилган. Шунингдек, "Олишах-В" фирмаси узум шинниси олиш учун ҳиссадорлик жамиятига 2001 йил 23 май куни 4-тўлов топшириқномаси билан яна 1300000 сўмни банк орқали ўтказади.

Ҳиссадорлик жамияти томонидан белгиланган муддат бўйича шартнома шартлари бажарилмагач, икки ўртада 2001 йил 19 июн куни солиштирма шартнома тузилади. Бу шартномада ҳиссадорлик жамиятининг "Олишах-В" фирмасидан қарзи 2362698 сўм экани қайд этилган.

"Олишах-В" фирмаси директори ҳиссадорлик жамияти раҳбари Т.Жумановга кўп марта оғзаки ва ёзма мурожаат қилиб қарзни узишни талаб этса-да, қарздор томон ишни пайсалга солаверади. Қўли билан бериб, оёғи билан югураётган О.Ҳакимов ўзини қийнаб келаётган бу муаммони адолатли ҳал қилиб беришларини сўраб, Самарқанд вилоят хўжалик судига мурожаат этади.

Ушбу низоли ишни Самарқанд вилоят хўжалик суди Э.Сатторов судьялигида 2001 йил 22 августда кўриб чиқади. Ҳиссадорлик жамияти молиявий аҳволи оғирлигини ҳисобга олган суд Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 326-моддасига таянган ҳолда даъвогар томон талаб этган 10489944 сўм устама ҳақ миқдорини 50 фоизга камайтириб, 15 фоизлик жаримани эса рад этади. Жавобгар томон ҳиссадорлик жамиятининг ҳисоб рақамида пул йўқлиги боис мазкур маблағни жавобгар томоннинг мулкидан, яъни ишлаб чиқарилган ва ишлаб чиқарилаётган вино ва коньяк маҳсулотларидан даъвогар "Олишах-В" фирмаси фойдасига 2362698 сўм қарз суммаси, 5244972 сўм устама ҳақ, 133870 сўм давлат божи ва суд харажати, жами 7741540 сўм миқдорида ундириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг тегишли моддаларини қўллаб қарор чиқаради.

Жавобгар томон суд қарорини бажаришни орқага сураверади. Ҳиссадорлик жамияти маъмуриятининг муносабати амалдаги қонунларимизга қай даражадалиги ана шу хатти-ҳаракатларидан ҳам кўриниб турибди. Хўш, аҳвол шу даражага бориб етибди, хўжалик суди ўзи чиқарган қарор ижроси учун нега жон куйдирмади, деган табиий савол туғилади. Самарқанд вилоят хўжалик суди судьяси Э.Сатторовнинг билдиришича, даъвогар О.Ҳакимов жавобгар томондан суд қарори бажарилмаётгани хусусида бирор марта хабар бермаган эмиш. Шундай вазият ҳақида даъвогар томон хўжалик судига қайтадан мурожаат қилганда суд қарори ижроси тўрт ой ичида таъминланган бўлар экан. Э.Сатторовнинг ҳозир бу иш юзасидан чиқарган суд қарори ижросини таъминлаш Самарқанд вилоят суд департаменти ҳудудий бошқармаси ходимларига ўтганлигини ҳам қўшиб қўйди.

Ҳақиқатан ҳам жавобгар томон айби билан бажарилмай келинаётган вилоят хўжалик суди қарори ижросини таъминлашда кўмаклашишлари, ҳақ-ҳуқуқини тиклаб беришларини сўраб О.Ҳакимов 2002 йил 30 январ куни Самарқанд вилоят суд департаменти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Н.Файзуллаев номига ариза ёзади.

Шундан сўнг хўжалик суди чиқарган қарорнинг ижросини таъминлаш Самарқанд вилоят суд департаменти ҳудудий бошқармасининг Боғишамол туман бўлими суд ижрочиси Б.Холматовга юклатилган.

Суд ижрочиси Б.Холматовнинг айтишича, ҳиссадорлик жамияти қарзининг маълум қисмини вино маҳсулоти бериш билан қутулган бўлса-да, яна бир ярим миллионга яқин миқдордаги қарзини асоссиз равишда тўламай келаяпти.

Ҳуқуқий-демократик жамият қуришда қонун устуворлигига эришиш асосий тамойиллардан саналади. Шундай экан, ҳиссадорлик жамияти раҳбариятида қонунчилигимизни менсимаслик кайфияти қай тариқа пайдо бўлди экан? Ахир, қонунларга амал қилишда мансабдор шахсларга алоҳида имтиёз яратилмаганку. Ҳиссадорлик жамияти маъмурияти дастлаб шартнома шартларини бузиб, тадбиркорни сарсон қилгани етмаганидек, суд қарорини назар писанд қилмаган. Бунақа ҳаракатлар ҳукуматимизнинг ваколатли органи бўлган судлов тизимини жамоатчилик олдида обрўсизланишига сабаб бўлмайдими?

Ана шунақа гаплар. Ҳар қандай вазиятда ҳам суд қарорининг ижроси рўёбга чиқишида суд ижрочиларининг ўзлари фидойилик кўрсатишмас экан, барибир, адолат тўла қарор топмайди.

Шокир ЭРГАШЕВ,
Самарқанд вилояти



Савол беринг!

Уни хат ҳамда 133-70-65, 132-14-18 рақамли телефонлар орқали кутамиз.

Ҳурматли таҳририят!

Мен сизнинг газетангизни қизиқиш билан ўқийман. Газетхонларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришда "Савол беринг" рукнидаги чиқишларингиз анча қўл келмоқда. Шу рукн орқали мен ҳам саволимга жавоб олмоқчи эдим. Саволим қуйидагича:

Ўзим 1946 йилда туғилганман. 1-гуруҳ ногирони бўлган турмуш ўртоғим ва 6 нафар фарзандим бор. Гап шундаки, мен 1971 йилдан 2000 йилгача Қува туманидаги "Ўзқишлоқхўжаликкимё" ташкилотида механик, дизинфектор лавозимларида меҳнат қилдим. Соғлигим ёмонлашганлиги сабабли 2000 йилда ўз аризамга биноан ишдан бўшадим. Нафақага чиқиш тўғрисида тегишли ташкилотга мурожаат қилганимда, "нафақага 60 ёшдан чиқилади", дейишди. Сизлардан сўрамоқчи бўлганим, заҳарли химикатлар билан ишлаб келганларга ҳеч қандай имтиёз йўқми? Ёшим нафақа ёшига етмаган бўлса, фаолиятим меҳнат нафақасига чиқишга тўғри келмайдими?

Расул ТЕМИРОВ,
Фарғона вилояти, Қува тумани

Бу саволга ҳуқуқшунос С.Ниёзова шундай жавоб беради:

— "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасига кўра, эркаклар 60 ёшга тўлиб, камида 25 йил меҳнат стажига эга бўлганда ёшга доир тўлиқ нафақа тайинланади.

Агарда сиз ишлаб келган лавозим имтиёзли нафақа тайинлаш учун асос бўладиган Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 12 майда тасдиқланган 1, 2, 3-рўйхатлар бўйича белгиланган касб, лавозим ва ишлар рўйхатида бўлса, нафақа ёши билан боғлиқ бўлган имтиёзли нафақага чиқиш ҳуқуқига эга бўласиз.

Оталар дейдики:

Энг муҳими, бошланғич тарбиядир. Бошланғич тарбия эса, сўзсиз, аёллар билан боғлиқ.

* * *

Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишла, ўзинг эса қоронғуда бўл.

* * *

Аввал қилиб келган хайрлигу эзгуликларингизга кейин ҳам (яъни доимо) эзгулик қўшаверинг, чунончи, қушнинг қанотидаги кичик патлари катта патларига мададкордир.



Туташ тақдирлар

Журналист суриштируви

"ЭКИН-ТИКИН"МИ, ЭКИН — ТЕКИН?

"Хоразм" — Мингбулоқ туманида фаолият юритаётган ширкат хўжаликларидан бири. Хўжалик экин майдонлари Андижон вилоятининг Улуғнор тумани пахтазорларига туташиб кетган. Фарғона-Наманган катта йўли ҳар икки вилоятга чегара вазифасини ўтайди. Бироқ катта йўлнинг икки тарафида икки хил манзара ҳукмрон. Нега шундай?

"Хоразм" ширкат хўжалиги бошқарув идораси Оққум қишлоғида жойлашган. Туман марказидан анча олисдаги қишлоқ аҳолиси асосан деҳқончиликдан келадиган даромад эвазига турмуш кечиради.

Биз у ерга ташриф буюрганимизда дастлаб хўжалик бошқарув идораси рўпарасидаги ташландиқ иссиқхона эътиборимизни тортди.

— Иссиқхона хўжаликка Набижон Қорабоев раҳбарлик қилган даврда қурилган эди, — дея изоҳлайди ўғилларини ёнига олиб, ер чопаётган Маҳмуджон Ваққосов. — Даставвал бу ерда лимон етиштирилган. Набижон Қорабоев лимон парваришига доимо эътибор берарди. Уни пенсияга кузатганимиздан сўнг хўжаликда раҳбарлар тез-тез алмашиб турди. 1989 йил октябр ойидаёқ совуқ тушиб, қор ёғди ва совуққа чидамсиз лимонлар қуриб қолди.

Уларни кесиб, ўрнига 130 туп хурмо кўчати ўтқаздик. Яхши кўкараётган эди. Шу орада хўжаликка Муҳаббат Абдуллаева раис этиб тайинланди-ю, "идора олдида хурмо нима қилади?" деб уларни суғуртириб ташлади. Шундан сўнг иссиқхона талон-тарож бўлди. Кимдир унинг ойнаси, бошқаси труба, айримлар ойнаванд деворларини «гум» қилди. Натижада иссиқхона кўпчиликнинг кўз ўнгида ташландиқ жойга айланди-қолди.

"Хоразм" ширкат хўжалиги деҳқонлари 2001 йилда жами 1848 гектар ерда деҳқончилик қилишган. Шундан 1231 гектар майдонга пахтанинг "Фарғона-3" нави экилди. Режа бўйича ҳар гектар ердан ўртача ҳосилдорлик 20,2 центнердан белгиланди. Ялпи хирмон 2485 тоннани ташкил этиши керак эди. Бироқ бу кўрсаткич амалда 1188 тоннада қолиб кетди. Гектар бошига олинган ҳосилдорлик туман кўрсаткичидан анча паст, яъни 9,6 центнердангина тўғри келди.

Бошоқли дон етиштириш бўйича эришилган натижалар ҳам қониқарли эмас. Бу борадаги кўрсаткич 54,83 фоизда қолиб кетди. Мавжуд 430 гектар буғдой майдонидан зўрма-зўракилик билан 954 тонна буғдой дони йиғиштириб олинди, холос. Нега? Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта.

— Хўжалигимизда иш асосан оила пудрати усулида ташкил этилган, — дейди бош иқтисодчи Абдураҳим Норматов. — Барча экин турлари бўйича 211 нафар пудратчи билан ички шартнома тузилган. Шартнома бўйича 138 нафар пахтачилик соҳасидаги пудратчидан 26 таси шартномавий режани бажарган. Ғаллачиликдаги 51 нафар пудратчидан икки киши режадан ортиқ буғдой етиштирган. Бошқа экин турлари бўйича 18 нафар пудратчидан фақат бир киши кўзда тутилган режани уддалади.

— Нега шартномадаги режа барбод бўлди? — деб муаммони изоҳлашга киришади бош ҳосилот Носиржон Ковлонов. — Ҳамма айбни деҳқонга ағдариш инсофдан бўлмайди. Чунки унинг яхши ишласа, яхши даромад олиши шартномада кўрсатиб қўйилган. Аввало далада ишлаётган деҳқонга тўлиқ иш шароити яратиб берилмади. Ҳамма иш ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Кузги ҳайдов ҳам ўз вақтида амалга оширилмади. Ҳатто баъзи экин майдонлари ҳайдовсиз қолиб кетди. Ер шўрини ювиш баҳоргача кечиктириб юборилди. Техника таъминоти, унинг ёнилғисида ҳам тез-тез узилишлар бўлиб турди. Мавжуд техникалардан унумли фойдаланилмади. О.Жўраев, Ҳ.Ражабов бош бўлган пудратчилар бригадасида ғўза қатор ораларига бир маротаба ишлов берилса берилди, бўлмаса йўқ.

Хўжаликда кейинги 2 йил ичида кадрлар қўнимсизлиги айниқса, авж олдирилди. Тўрт маротаба бош ҳосилот янгиланди. Шунча марта бош муҳандис алмаштирилди. Бошқа мутахассисларни айтмаса ҳам бўлади. Бош пудратчиларга деҳқончиликдан умуман бехабар кишилар тайинланди...

Бош ҳосилот муаммоларни санашдан эринмади. Биз эса хўжалик бош иқтисодчисининг иш қоғозларига тиркаб қўйилган пудратчиларнинг ўтган йилги натижаларига кўз югуртирамиз. Шарифжон Солиев 7,6 гектар майдонда буғдой етиштирди. У режа бўйича ҳар гектар ердан 35,5 центнердан жами 27 тонна буғдой хирмони яратиши керак эди. Пудратчи гектар бошига ялпи ҳосилдорликни зўрға 9 центнерданга етказди. Давлатга 6,9 тонна буғдой дони топширди. Яна бир пудратчи Абдусаттор Усмонов эса 3 гектар майдонда жами 10 тонна буғдой сотиши керак бўлиб, у амалда гектар бошига ҳосилдорликни 8 центнерга бажарди, холос.

Бундай ҳолат айниқса, пахтачилик соҳасида яққол кўзга ташланади. Муҳаммад Бўриев ўз пудратида шартнома бўйича 3 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил олиши лозим эди. Пудратчи йил бўйи меҳнат қилиб, ҳар бир гектар ер ҳисобига 1,5 центнердан ҳосил олишга эришганига нима дейсиз? У давлатга бор-йўғи 0,5 тонна пахта сота олади... Яна бир пудратчи Тўра Йўлдошев 13,5 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 2 центнердан ҳосил олиб йиллик режани 18,8 фоизга "уддалади".

Хўжаликда 2001 йил ҳосили учун бир гектар ерда пахта етиштиришга 120 килограмм минерал ўғит сарфлаш режалаштирилган. Шунча ерда буғдой етиштиришга эса 800 килограмм азотли, фосфорли, калийли ўғитлар талаб этилади. Хўжалик бу минерал ўғитларни олганми ёки йўқми, у ёғи бизга қоронғу. Бироқ ҳар гектар ердан олинган 1,5-2 центнердан пахта ҳосили сарф-харажатни қопламаслиги равшан. Шу боис 2001 йилнинг ўзида "Хоразм" ширкат хўжалиги йилни 68 миллион 877 минг сўм зарар билан якунлади...

Бизни кўпроқ 2001 йилда шартномавий режани бажарган пудратчиларнинг меҳнатига яраша манфаатдорлиги қизиқтирди.

Баҳодир Худойбердиев ўтган йилда 10,8 гектар майдонда буғдой етиштирди. Пудратчи гектар бошига режадаги 36,1 центнер ўрнига 39,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олди. Давлатга жами 42,7 тонна буғдой дони топширди. Ички шартномага кўра пудратчи 3,7 тонна ортиқча дон етиштиришга эришди. Шартнома бўйича шунча буғдой пудратчининг омборига тушиши керак эди. Лекин ундай бўлмади...

Бош иқтисодчи яна ўз ҳужжатлари асосида бизга қуйидаги маълумотларни айтиб берди:

— Вилоят адлия бошқармасига ёзма ахборот берганмиз, — деди у. — Баҳодир Худойбердиев ортиқча етиштирган маҳсулотлари учун хўжаликдан 129500 сўм ҳақдор. Биз уни тез кунларда узамиз. Яна бир пудратчимиз Дилшод Сулаймоновдан ҳам хўжалик 42 минг сўм қарздор. Пахтачилик соҳасида режани бажарган пудратчиларга пахта ёғи ва кунжара ҳам берилади.

Бош иқтисодчининг бу гаплари қачон амалга ошиши эса "Хоразм" ширкат хўжалигини бошқараётган бугунги раҳбар мутахассисларга боғлиқ. Қаерда меҳнатга яраша манфаатдорлик яхши бўлса, ўша жойда иш олдинга силжийди. Зеро, илғорларни ўз вақтида тақдирламай туриб, қолоқлик ботқоғидан чиқиб бўлмайди.

Маъмур МУСУРМОН,
"Инсон ва қонун" мухбири

Баҳс, мулоҳаза, мунозара

ФЕРМЕР МАНСАБДОР ШАХСМИ?

Омон ОҚЙЎЛОВ,
юридик фанлари доктори

БОШҚАРИШ МАСЪУЛИЯТИ

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишда фермер хўжаликлари муҳим аҳамият касб этади. Фермер хўжалиги эса фермер хўжалиги бошлиғи томонидан идора қилинади. Шу боис фермер хўжалигининг бошлиғи муайян ваколатларга эга бўлган мансабдор шахс ҳисобланадими, деган савол туғилиши табиий.

1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги Қонунда фермер хўжалиги бошлиғининг ваколатлари белгилаб қўйилган. Ушбу қонуннинг 4-моддасига асосан фермер хўжалигининг бошлиғи фермер хўжалиги номидан ушбу хўжаликни бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларини йўлга қўяди. Бошқача айтганда, фермер хўжалигининг бошлиғи шу хўжаликнинг қонуний вакили ҳисобланади ва махсус ишончномасиз иш олиб боради. У шу хўжаликнинг 18 ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлган муомала лаёқати аъзоларидан биридир. Фермер хўжалиги давлат рўйхатига олинганида қишлоқ фуқаролари ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар бир фермер хўжалигини хўжалик китобига киритиб, унда фермер хўжалигининг таркиби, хўжалик бошлиғи ёки унинг вазифаларини бажарувчи шахс тўғрисидаги маълумотларни қайд этиб қўяди.

"Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасида фермер хўжалиги бошлиғининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида умумий кўрсатма мавжуд. Ушбу кўрсатмадан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, фермер хўжалигини қишлоқ хўжалик корхонаси юридик шахс сифатида ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича фаолиятга раҳбарлик фермер хўжалиги бошлиғи томонидан амалга оширилади. Фермер хўжалигининг бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— Устав доирасида фермер хўжалиги ишлаб чиқариш фаолиятини мустақил ташкил этиш;

— етиштираётган маҳсулотга мустақил равишда нарх белгилаш;

— ўзи етиштирган маҳсулотни ўз хоҳиши бўйича реализация қилиш;

— тадбиркорликдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ солинадиган чекланмаган миқдорда даромад - фойда олиш;

— бошқа корхоналар, муассасалар, ташкилотлар билан турли шартномалар ва битимлар тузиш;

— ходимларни ишга ёллаш ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш.

Энг асосий масалалардан бири бу мол-мулкка нисбатан фермер хўжалиги бошлиғи қандай ваколатларга эга эканлигидир. **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги Қонуннинг 20-моддасига асосан фермер хўжалигининг мол-мулки, агар унинг аъзолари ўртасидаги келишувга биноан умумий улушли мулк ташкил этиш назарда тутилган бўлмаса, унинг аъзоларига умумий биргаликдаги мулк асосида қарашли бўлади.

Умумий улушли мулк ва умумий биргаликдаги мулкни эгаллаш, фойдаланиш, тасарруф қилиш тартиби фуқаролик Кодексининг 216, 226-моддаларида белгиланган. **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги Қонунда ҳам фермер хўжалигининг мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш хўжалик аъзолари томонидан ўзаро келишув асосида амалга оширилади.

Демак, фермер хўжалигининг бошлиғи фермер хўжалигига қарашли мол-мулкни якка тартибда, ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш ваколатига эга эмас. Жиноят Кодексида мансабдор шахс ва масъул мансабдор шахс тушунчалари берилган. Унда кўрсатилишича, мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги (нодавлат шакллари назарда тутилмоқда) корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари масъул мансабдор шахс ҳисобланади.

Фермер хўжаликлари **"Фермер хўжаликлари тўғрисида"**ги Қонуннинг 1-моддасига асосан юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир. Бинобарин, у ўзининг ҳуқуқий мақомига кўра хусусий мулк шаклига мансуб бўлган, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш корхонаси ҳисобланади.

Шу боис ҳам ушбу корхонани бошқариш ва идора қилиш бўйича махсус ваколатларга эга бўлган фермер хўжалигининг бошлиғи расмий жиҳатдан масъул мансабдор шахс ҳисобланади.

Фермер хўжалиги бошлиғи вафот этган тақдирда ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи шу хўжалик аъзоларининг ўзаро келишуви асосида фермер хўжалиги фаолиятини давом эттириш истагида бўлган хўжалик аъзоларидан бирига мерос бўлиб ўтади.

Фермер хўжалиги бошлиғи меҳнат қобилиятини тўла йўқотган тақдирда ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи хўжалик аъзоларининг розилиги билан улардан бирига қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва шартларда топширилади. Фермер хўжалигининг бошлиғи касаллиги сабабли вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда ёки узоқ вақт бўлмаганида унинг вазифаларини бажариш ваколатини хўжалик аъзоларидан бирига ёки 18 ёшга тўлган қишлоқ хўжалигида тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлган, лаёқатли ҳар қандай шахсга шартнома асосида беришга ҳақлидир.

ИККИ ФИКР

Баҳром АҲРОРОВ,
доцент

ВАКОЛАТ ТАФОВУТИ

Фермер хўжалиги жамият равнақи, халқ фаровонлиги ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда мамлакатимизда 55 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари рўйхатга олинган.

Шундай экан, фермер хўжаликлари масалаларини қонунан ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятини қонунлаштириш ҳам бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланиб бормоқда.

Фермер хўжаликларининг ҳуқуқий ҳолатлари **«Фермер хўжаликлари тўғрисида»**ги Қонун асосида тартибга солинган. Фермер хўжалигининг дастлабки кўринишлари оилавий хўжаликлар — оиланинг бошлиғи, унинг рафиқаси, болалари, ота-онаси, қариндош-уруғлари ёки бошқаларнинг ҳамжиҳатлиги асосида тузилади. Фермер хўжалиги кўпроқ ўзларининг шахсий мулкига суянади ва хўжалик ҳисобига кўра мулкини кўпайтириб боради. Фермер хўжалиги давлатдан ижарага олинган ер томорқаларидан фойдаланиши мумкин. Фермер хўжаликлари давлат билан хом ашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятини шартнома асосида қабул қилган.

Фермер хўжалиги ўз вазифаларини амалга ошириш жараёнида фермерлик бошқарув тизими мансабдорлик муносабатларини амалга оширадими, фермерлар мансабдорлик жиноятларининг субъектлари бўла оладими деган муаммо ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади. Назарий жиҳатдан қараганда, мансабдорлик жиноят қонунларининг янада такомиллашиши уларнинг янада адолатли бўлишлигига ёрдам берса, амалий жиҳатдан суд жараёнида бундай шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўғри ҳимоя қилиш мезонини белгилайди.

Мансабдор шахс тушунчасида ташкилий-бошқарув ёки маъмурий хўжалик ваколатлари берилган киши назарда тутилади. Фермер хўжаликлари бошқаруви ҳам ташкилий-бошқарувнинг ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш, маошни белгилаш, интизомий ва молиявий жазолаш, рағбатлантириш ва маъмурий хўжалик вазифаларининг мулкка эгалик қилиш, мулк тақсимоти, шартномага мувофиқ маҳсулот етказиб бериш сингари вазифаларни амалга оширади. Шундай экан, қонунга биноан фермер хўжалиги бошқарув тизими ҳам мансабдорлик жиноятларининг субъекти бўлиб ҳисобланиши керак. Бу масалани судлар ҳам қонунга мувофиқ ҳал қилмоқда. Лекин бундай тарзда ҳал этилиши ҳам муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бунинг устида айни шу масала хорижий давлатлар қонунларида бошқачароқ ҳал қилинган. Жумладан, Россия, Қозоғистон давлатлари қонунларида давлат тизими мансабдорлик бошқарув тизимини тижорат ёки бошқа шунга ўхшаш тизимлардан алоҳида ажратиб қўйган. Бундай фарқлашларига қарамай, тижорат ёки бошқа шундай йўналишдаги ҳаракатни ҳам мансабдорлик жиноятлари номи билан юритилади. Масалани бундай ҳал этилиши мантиқан тўғри деса бўлади. Лекин хусусий, тижорат ёки фермер хўжаликлари йўналишининг амалиёт қонунчилиги, уларнинг маблағи ва вазифаларига биноан эса тўғри деб бўлмайди. Жумладан, бундай ташкилотларнинг фаолият юритиш масалалари махсус қонун (**«Фермер хўжаликлари тўғрисида»**ги Қонун) билан тартибга солинади. Буларнинг фаолият йўналиши ва мулк масалалари ўзлари томонидан ишлаб чиқилган махсус низомлар асосида амалга татбиқ этилади. Бу низомнинг қонун-қоидалари давлат томонидан тасдиқланади. Лекин бундай тасдиқлаш ҳам уларнинг давлат ва жамият муносабатларига зид эмаслигини белгилайди.

Бундан ташқари, жиноят ҳуқуқ назариясига мувофиқ мансабдорлик жиноятларининг объекти давлатнинг бошқарув тизимининг меъёрий ҳолатлари ҳисобланади. Бу дегани давлат бошқарув аппарати, унинг соҳа ва тизимларининг меъёрий ҳолатлари ҳисобланиши тушунилади. Шунингдек, бу соҳанинг бошқарув тизими бошқа соҳа бошқарув тизимидан фарқли равишда давлат томонидан белгиланган қонун талаблари билан тартибга солинади. Фермер хўжалигининг ишлаб чиқаруви, юқорида таъкидлаганидек, ўзларининг махсус низомлари билан тартибга келтириб турилади. Жиноят ҳуқуқ назариясига биноан мансабдорлик жиноятларининг объекти жамоат аппаратининг меъёрий ҳолатлари ёки айрим фуқароларнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилиши мумкинлиги таъкидланади. Аммо бу соҳанинг меъёрий ҳолатларининг бузилишига ҳам давлат бошқарув тизими таъсирида содир этилганини назарда тутади. Шундай экан, фермер хўжаликлари бошқарув муносабатларини амалга оширади. Фермер хўжаликлари тизимида содир этиладиган бошқарув тизимига путур етказувчи ҳаракатларнинг ҳал қилинишини давлат бошқаруви тизимидаги ҳуқуқбузарликлардан фарқли равишда ҳал қилиш лозим. Хўш, бунинг учун қонунан қандай чора қўллаш керак? Жумладан, бундай хўжаликлар бошқарувидаги масалаларни уларнинг низомларида белгиланганидек, ҳал қилиниши лозим. Агар низомларида белгиланган жавобгарлик масалалари буни ҳал қилиб бера олмаган тақдирда ҳам, фуқаролик низолари асосида ёки жиноят қонунчилигининг иқтисодий ёки хўжалик жиноят қонун нормалари билан тартибга солиниши мумкин.

Суд амалиётида фермер хўжаликлари мулкларини раҳбарларнинг айби билан талон-тарож қилиш ёки унинг нобуд бўлишига сабаб бўлган ҳолларда ҳам талон-тарож қилиш мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятлари билан айбланганлик ҳолатлари учрайди. Бу ҳам тўғри эмас. Қонунга ўзгартириш киритилиши натижасида бундай айбланиш ҳолларига ҳам барҳам берилади. Жиноят қонунига киритиладиган ўзгартиришга биноан фақат давлат аппарати тизими ва унинг соҳаларида ташкилий бошқарув ёки маъмурий хўжалик ваколатларига эга бўлган шахсларнинг ўзинигина мансабдорлик жиноятларининг субъектлари қилиб белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

***ТАҲРИРИЯТДАН:** Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилмоқда. Бу эса унинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Фермернинг мансабдорлик ваколати масалалари шундай баҳсталаб мавзулардан биридир. Бу борада мулоҳаза юритган икки олимнинг фикри билан танишиб, муайян хулосага келганингиз шубҳасиз. Ана шу хулосаларни таҳририятга йўллайсиз, деган умиддамиз. Бу билан фермерликка оид қонунчиликнинг мукаммаллашувига ҳисса қўшган бўласиз.*

Газетада босилмади, аммо...

КИМ ҲАҚ-У, КИМ НОҲАҚ...

Феврал ойи бошларида таҳририятимизга бир шикоят хати келди. Қашқадарё вилояти Чироқчи туманининг "Меҳнатобод" ширкат хўжалигида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар номидан битилган мактуб бир қарашда бошқа шу каби хатлардан фарқ қилмайдигандек туюлди. Ушбу шикоят мактубининг бошқаларидан фарқи нимада эканлигини айтишни бироз кейинроққа қолдирсак-да, аввало, ушбу хат мазмуни билан таништирсак:

«Ширкат хўжалигимизга 2000 йил ноябр ойида Наби Жамолов бошқарув раиси этиб тайинланди. Раис кела солиб хўжаликнинг иқтисодий аҳволини кўтариш ўрнига бошқача ҳаракатлар қила бошлади. Уни хўжалик мулки ҳисобидан бойлик орттириш ҳисси тинч қўймади шекилли, сувли-ю, сувсиз ерлар, чиқим қилинган техникалар, ғалла ва сомон, молхона иморатларини ноқонуний равишда сота бошлади. Ачинарлиси, 15000 донадан ортиқ теракларни кестириб ташлади. Теракларнинг ингичка қисмини ипак қурти боққан кишиларга 2001 йил ҳосили учун иш ҳақи ҳисобига бериб, йўғон қисмлари сотиб юборилди. Бу айтаётган гапларимиз асосли бўлиши учун вилоят Ер ресурслари бошқармаси томонидан текширилиб, тасдиқланган ва бизга 2001 йил 13 сентябрда жўнатилган 3у09/118 рақамли хати ҳамда вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2001 йил 13 ноябрдаги 03/450-сонли мактубини илова қиламиз. Бу хатлар туман ва вилоят прокуратураларига ҳам жўнатилган.

Бошқарув раисининг ноқонуний хатти-ҳаракатларига мисол келтирадиган бўлсак, хўжаликнинг 2-бригадасига тегишли бўлган 50 сотих токзор майдони Жовли Қораев деган шахсга берилган. У токларни қўпориб ташлаб, ўрнига ўз ҳисобидан уй-жой қуриб олган.

Бу талон-торожликлар ҳақида вилоят ер ресурслари бошқараси юқорида кўрсатилган рақам билан туман прокуратурасига хат жўнатган бўлса-да, туман прокурори Б.Анваров томонидан эътиборсизликка йўл қўйилган. Вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси эса теракларнинг ноқонуний кесилганлиги учун хўжаликка 41568170 сўм даъво жаримаси солган. Хўжалик раҳбари эса "тераклар қуриб қолганлиги учун кесилган" деган важ билан ҳужжат расмийлаштирган. Ваҳоланки, тераклар қуригани йўқ. Кесилган жойидан ўсган ниҳоллар гуркираб ўсиб турибди.

Хўжаликнинг бошқа тармоқлари ҳам ачинарли ҳолга келтирилган. Техникалар, сут-товар фермаси, молхона иморатлари бузилган.

Шу ва шу каби қонунбузилиш ҳолатларига чек қўйишда таҳририятдан ёрдам кутамиз.

Мавлон ШОВАНОВ,
Файзулла ХУРРАМОВ ва бошқалар»

Ўқиганингиздек, шикоятчилар ширкат хўжалигида содир бўлган қинғирликлар ҳақида куюниб ёзган. Аммо таҳририятимиз фақат шикоят ёзган томоннинг эмас, балки иккинчи томоннинг ҳам фикрини билишни истайди. Шу боис мазкур хат Қашқадарё вилоят прокуратурасига жўнатилган эди. Ўтган ойнинг сўнггида вилоят прокуратурасидан таҳририятимизга жавоб хати келди. Унда жумладан, шундай дейилади: *«Қашқадарё вилоят прокуратураси томонидан фуқаро Ф.Хуррамов ва бошқаларнинг Чироқчи туманидаги "Меҳнатобод" ширкат хўжалиги раҳбарларининг қонунсиз ҳаракатлари ҳақидаги аризаси юзасидан текшириш ўтказилди. Аниқланишича, "Меҳнатобод" ширкат хўжалигининг раҳбарлари 2001 йил иш фаолияти давомида ўз вазифаларига лоқайдлик ва қинғир муносабатда бўлиб, жамоа хўжалигига қарашли 1,43 гектар суғориладиган, 99,33 гектар пичанзор ва яйлов ерлар фуқароларга ноқонуний тартибда берилган. Натижада бу ерларда шахсий манфаатлар учун турар жойлар қурилган ва ҳар хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экиб олинган. Шунингдек, 51 нафар фермер томонидан 261 гектар хўжаликка тегишли ерлар қонунсиз эгалланиб, фойдаланиб келаётганлиги аниқланди.*

Бундан ташқари хўжалик раҳбарлари мансаб ваколатларини суиистеъмол қилган ҳолда 2001 йил март ойида 7271 дона 41280050 сўмлик терак ва "Қизил китоб"га киритилган 2 дона 288120 сўмлик чинор дарахтларини Республика Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва маҳаллий ҳокимият билан келишилган қарорни олмасдан асоссиз равишда кестириб юборишган.

Мазкур ҳолатлар бўйича вилоят прокуратураси томонидан 2002 йил 19 феврал куни хўжалик раҳбарларига нисбатан ЖКнинг 205-моддаси 1-қисми ва 207-моддаси 1-қисми аломатлари билан жиноят иши қўзғатилди».

Энди шикоят ва прокуратура жавобларидаги далилларнинг айрим номувофиқлигига эътибор қаратишимиз лозим. Биз ушбу тафовутнинг биттасига эътибор қаратишни жоиз деб билдик. Маълумки, шикоят-аризада кесилган теракларнинг сони 15000 дан ортиқ эканлиги таъкидланган. Вилоят прокуратураси берган жавобда эса бу кўрсаткич 7271 тани ташкил қилмоқда. Хўш, ўртадаги тафовут эллик фоиздан ҳам кўпни ташкил қилиши нимадан далолат? Шикоятчиларнинг бу "ошириб" ёзишлари "жаҳл чиққанда ақл кетиши" туфайлими ёки яна сабаб борми? Тўғри, шикоят ёки ариза ёзиш фуқароларнинг конституцион ҳуқуқи. Лекин ҳар қандай шикоят мантиққа асосланиши лозим.

Сўзимиз бошида айтганимиздек, мазкур келтирилган шикоят мактуб хусусияти ҳақида сўз юритамиз. Мактуб раҳбар ходимлар фаолияти хусусида битилган. Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида мамлакатимиз раҳбари бир масалага алоҳида тўхталиб ўтган эди: **"Бугуннинг раҳбари: у қандай бўлиши керак?"** Бу хусусда сўз юритиб, Президентимиз шундай деган эди: **"Раҳбар киши эл-юртнинг дарду ташвиши билан, шу ташвишларни имкон қадар осон қилиш ва енгиллатишни ўйлаб яшаши, одамларни ҳимоя илишга доимо тайёр туриши, бир сўз билан айтганда, халқнинг дардини ўз дарди, деб билиши керак".**

Демак, бугунги кун раҳбари фидойи, юраги ёниб туриши лозим. Шундагина у элнинг олқишини олади. Юзи ёруғ бўлади. Йўқса, элнинг назаридан қолади...

Шерали НИШОНОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Митти маслаҳат

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

ФИРИБГАРГА ЖАЗО БОРМИ?

Кейинги йилларда одамларнинг ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан мулк ёки улар мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш — фирибгарлик ҳолатлари учраб турибди. Қалби-ю қонида имон-эътиқоди намоён бўлган кўплаб инсонлар тез-тез фирибгарлар тузоғига илиниб, моддий ва маънавий зарар кўришмоқда.

Шу боис аҳоли ўртасида фирибгарларга ҳам қонунда жазо белгиланганми, деган табиий савол туғилади.

2001 йил 29 августда **"Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал Кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги Қонун қабул қилинди. Шу қонун асосидаги Жиноят Кодексининг 168-моддасида фирибгарликка оид жазо бериш тартиби қуйидаги таҳрирда баён қилинган:

168-модданинг 1-қисмига кўра, агарда фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқ қўлга киритилса, — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваригача миқдорда жарима ёки 1 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 6 ойгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

168-модданинг 2-қисмида кўрсатилишича, агарда фирибгарлик: а) кўп миқдорда; б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; г) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг 100 дан 300 бараваригача миқдорда жарима ёки 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

168-модданинг 3-қисмида баён этилишича, агарда фирибгарлик: а) жуда кўп миқдорда; б) ўта хавфли рецидивист томонидан; в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг 300 дан 600 бараваригача миқдорда жарима ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Юқорида келтирилган Қонуннинг инсонийлик жиҳатидан бири шуки, агарда фирибгарлик жинояти орқасидан етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди. Лекин жаримага тортиш ёки тегишли муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қўллаш барибир татбиқ қилинади. Бир сўз билан айтганда, фирибгар жазосиз қолмайди.

Кези келганда таъкидлаш ўринлики, таниш-нотаниш кимсаларга ҳалол меҳнат билан топилган маблағ ёки бошқа мулкни ишонавериш яхшиликка олиб келмайди. Мол-мулк ёки бошқа турдаги буюмларни бировга берганда ёзма ҳужжатларни нотариал тартибда расмийлаштириш келгусида алданиб қолмасликнинг олдини олади.

"ЯРИМ ЙЎЛДА САРСОН БЎЛАМИЗМИ?"

Таҳрирсиз мактуб

1995 йилда ўзимга тегишли автомашинани сотиб, нақд пулга Шаҳрихон туманидан 1000 дона ўрдак сотиб олдик. Паррандачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил қилишни шу тариқа бошладик. Бу ҳаракатимизни Т.Тошматов номидаги ширкат хўжалиги собиқ раиси Муҳаммад Аҳмедов қўллаб-қувватлади. Чунки хўжаликда паррандачилик йўналиши жуда паст кўрсаткичда эди.

Хуллас, ишимиз кўп вақт ўтмай самара бера бошлади. Шартномага асосан бир йил мобайнида Т.Тошматов номидаги ширкат хўжалиги ва Қизил ярим ой жамияти рўйхатида турган 450 нафар нафақадаги кексаларни тухум маҳсулотлари билан таъминлаб турдик. Аммо шу даврда хўжаликни кенгайтириш ва ривожлантириш имкониятига эга бўлсак-да, сунъий тўсиқлар юзага кела бошлади. Бу тўсиқларни бартараф қилиб, яхши ишлаш учун шароит яратиб беришни сўраб, тегишли ташкилотга бир неча маротаба мурожаат қилдим. Бироқ ҳалигача бирор натижа чиқмаяпти.

Минг дона ўрдакни боқиш учун 8 гектар ер майдони зарур. (Қонунда белгиланган тартибда бир дона шартли қорамолга 0,30 гектар ер майдони ажратилиши керак. 50 дона ўрдак 1 шартли қорамолга тўғри келади. Демак, 1000 дона ўрдак 20 та шартли қорамолга тўғри келади. 20 х 0,30=6 гектар).

Ер олиш мақсадида Т.Тошматов номидаги ширкат хўжалигига ҳам бир неча бор мурожаат қилдим. Етти йилдан буён қилган ҳаракатларим зое кетди. Шу йилнинг бошларида бўлиб ўтган ширкат хўжалигининг йиллик ҳисобот йиғилишида фермер хўжаликлари учун ер берилмаслик тўғрисида қарор қабул қилинди. Ҳатто паррандалар озуқаси учун дон экишга ҳам ер майдони ажратиб берилмади. Шу туфайли оиламизнинг барча аъзоси бугунги кунда ишсиз қолди.

Ҳурматли таҳририят! Оиламиз номидан катта умид ва ишонч билан мақсадларимизнинг рўёбга чиқишига ёрдам беришингизни сўраймиз.

Зоҳид МАДРАҲИМОВ,
Андижон вилояти,
Жалолқудуқ тумани

ТАҲРИРИЯТДАН:
Мактубда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида сўралган ер берилмаганлиги айтилган. Нега?
Ушбу саволга тегишли ташкилотларнинг аниқ жавоб беришини кутиб қоламиз.

Баҳор мўъжизаси

Жаҳон тажрибаси

АҚШ: АКСИЛТЕРРОР КУРАШ ТАРИХИ

Ўтган йилнинг 11 сентябр куни АҚШда юз берган террористик хуруж бутун дунё халқларини ларзага солди. Маълумки, АҚШ терроризмга қарши курашда кўп йиллик тажрибага эга.

Тарихга назар солсак, АҚШда 1918 йили илк марта қўпорувчилик содир этилган. Террорчилар бир неча йирик федерал иморатларини портлатиб, ғойиб бўлишган. Ўшанда қўпорувчиларнинг шахси ва ташкилоти номаълумлигича қолган. 1985 йилда эса 812 марта халқаро террорчилик хуружлари рўйхатга олиниб, уларда 926 нафар одам ҳаётдан бевақт кўз юмгани аниқланган. Бу каби кўрсаткичлар 1976 йилдан буён кузатилмаган. Шу муносабат билан 1986 йили АҚШ президенти Р.Рейган вице-президент Жорж Буш бошчилигида "Махсус комиссия" тузиб, АҚШда қўпорувчиликка қарши кураш сиёсатига бағишланган баёнотини эълон қилган. Баёнотда АҚШнинг аксилтеррор чораларини мувофиқлаштириш тадбирлари муҳим ўрин эгаллаган. Унда Жорж Буш шундай деган: "Террорчиларнинг фаоллашуви, мамлакат ташқарисидаги хавфнинг ўсиши дастурларни мувофиқлаштириш ва дунё мамлакатлари ушбу муаммога жиддий эътибор беришларини талаб этмоқда. Ўтган йилда содир этилган етти террорчилик хуружи бизни доимо хушёр бўлмоққа ундайди".

Буш комиссиясининг таклифига биноан Миллий Хавфсизлик Кенгашида аксилтеррор фаолиятни мувофиқлаштириш комиссияси ёрдамчиси лавозими таъсис этилди ва унга идоралараро гуруҳларда иштирок этиш, илмий изланишлар ва тажриба ишларини мувофиқлаштириш, комиссияга террорчиларга қарши таъсир чораларини ишлаб чиқишда кўмаклашиш ва махсус бўлинма ишини назорат қилиш вазифалари топширилди.

Терроризмга қарши кучларни бирлаштириш мақсадида тегишли органларда махсус бўлинмалар ташкил этилди ва унга давлат департаменти, Мудофаа вазирлиги, штаб бошлиқлари бирлашган қўмиталари, Фавқулодда вазиятларни назорат қилиш федерал агентлиги киритилди.

Террорчилик хуружлари ҳар хил жой ва ҳар хил вазиятда содир этилгани учун уларга нисбатан баробар чора қўллашнинг иложи йўқ. Шунинг учун терроризмга қарши идоралараро гуруҳ қўмитасига қачон ва қай вақтда террористик хуружларни бартараф этиш тўғрисида аниқ кўрсатмалар бериши лозим бўлади.

Комиссия террорчиларга қарши қуйидаги жавоб чоралари мезонларини ишлаб чиқди: "Бегуноҳ одамларга зиён етказмаслик, разведка маълумотларининг етарли ва аниқлиги, террорчилик хуружларининг олдини олишда ҳуқуқий ҳолатни мустаҳкамлаш, мўлжални топишга имкон қидириш, террорчилик хуружларида қатнашган мамлакатларни аниқлаш, хатар ва муваффақият эҳтимоли даражасини аниқлаш, АҚШ жамоатчилигининг муносабати ва оммавий ахборот воситалари маълумотларининг таъсири ва унинг миллий сиёсатга мувофиқлик даражасини ўрганиб чиқиш".

Айниқса, ишончли вакилларнинг зудлик билан узатган маълумотлари террорчилик хуружлари амалга оширилган вақтда юқори аҳамият касб этади. Идоралараро ишчи гуруҳлари матбуотга баёнот учун аниқ кўрсатмалар бериши лозим.

Терроризмга қарши курашда халқаро ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга. Халқаро битимлар суст бораётган бўлса-да, уларни йўлга қўйиш ва халқаро миқёсда террорчиларга қарши курашда мамлакатларнинг ўзаро иттифоқ эканини намойиш этиш лозим. Террорчиларга қарши халқаро келишувлар йўқлиги учун Давлат Департаменти халқаро ҳамкорлик алоқаларини тезкорлик билан ривожлантиришни ўзига мақсад қилиб қўйди ва бу қуйидагича амалга оширилади:

— БМТнинг Фуқаролар авиацияси, денгизда юк ташиш тўғрисидаги умумий резолюцияси ёки келишувларини махсус муассасалар билан мувофиқлаштириш;

— Кўпчилик мамлакатлар томонидан ратификация қилинган халқаро конвенциялар, яъни самолётларни олиб қочиш, одамларни гаровга олиш, шунингдек, элчиларни ҳимоя қилиш каби муаммоларни ҳал этишда халқаро жамоатчиликни расмий келишувларини террорчиларга намойиш этиш ва террорчиларга қарши кураш чораларини яхшилаш;

— Жиноятчиларни топишга халақит бераётган ғайриқонуний «туйнук»ларни топиш. АҚШ нинг ўзи айрим ҳолларда террорчилар томонидан "бошпана" сифатида фойдаланилмоқда. Шу ўринда келишувга мувофиқ сиёсий маҳбусларни топшириш кўзда тутилмаган, бу эса жиноятчиларга ғайриқонуний тарзда «туйнук» очиб бермоқда. Баъзи мамлакатлар терроризмни қўллаб-қувватлаётгани бор гап. Ушбу мамлакатлар дипломатик ташрифлардан жиноятчиларни ҳамда уларнинг техникасини олиб ўтиш учун фойдаланишаётир. Давлат департаменти жиноятчиларни ошкор қилишда бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликда фаолият олиб боради. БМТ нинг Бош Ассамблеяси томонидан террорчиларга дипломатик ташрифларда "бошпана" берилишини тақиқлаш резолюцияси қабул қилиниши уларга қарши курашни енгиллаштирган бўлар эди.

— Аэродром ва портларда назоратни кучайтириш. Учишдан олдин йўловчилар ва юкларни текшириш ички хавфсизликни таъминлашда асосий ўрин тутади. 1972 йилдан буён ўтказилган тадбирларда 30 минг дона ўқотар қуроллари жиноятчилардан олиб қўйилган ва 13 минг нафар одам ҳибсга олинган.

Денгизда фаолият олиб бораётган идоралараро ишчи гуруҳи кемаларни, йўловчиларни ва команда аъзолари хавфсизлигини таъминлаш чораларини ўрганиб чиқишлари керак. Шунингдек, ўзларига берилган ваколатларни ўрганиб, янгидан зарур ҳолларда қонунни ўзгартириш ҳақида ўз таклифларини киритишлари шарт. Бундан ташқари, тақиқланган жойларда, аэродромлар, вокзаллар ва портларда илгари судланган фуқароларнинг ишлашини тақиқловчи қонун ишлаб чиқилишига эришиш лозим. Давлат Департаменти ва Халқаро денгиз ташкилоти билан ҳамкорликда халқаро миқёсда йўловчилар ва кема аъзоларини ҳимоя қилишнинг чора-тадбирларини ишлаб чиқишади".

Терроризмга қарши курашда разведка маълумотларини тўплаш ва ўрганиш жуда муҳим ўрин тутади. АҚШ разведка маълумотлари техник қурилмалар ёрдамида етарлича тўпланади. Шунингдек, инсон воситасида тўпланадиган маълумотларга кўпроқ эҳтиёж сезилмоқда. Халқаро миқёсдаги маълумотларни йиғиш ва ўзаро алоқаларни кенгайтириш разведка фаолиятини анчагина енгиллаштиради.

Қонунчилик соҳасида қуйидагилар таклиф этилган: "Америка фуқароларининг чет элда ўлдирилиши Федерал қонунлари бўйича жиноят ҳисобланиши ва асирларни ўлдирганларга ўлим жазосини жорий ҳозирги вақтда фақатгина самолётда асирларни ўлдирганларга нисбатан ўлим жазоси қўлланилади, бошқа вазиятлар бундан мустасно. Адлия вазирлиги ҳар хил вазиятларда асирларни ўлдирганларга нисбатан ўлим жазосини қўллаш қонунини қабул қилишнинг ташаббускори бўлиб чиқиши керак.

— Конгресснинг ҳар иккала палатасида Бирлашган разведка қўмитасини ташкил этиш. Ўтган йили палата вакили Хайд таклифига биноан ҳар қайси палатада разведка қўмитасини ташкил этиш ҳақида резолюция қабул қилинган. Резолюцияга махфий маълумотларни олиш имкониятига эга бўлган шахсларнинг сонини қисқартиришни қўшимча қилиб киритиш махфий ҳужжатлар ишончли қўлларда сақланишини таъминлаган бўлар эди. Адлия вазирлиги ушбу таклифни қонуний тарафдан амалга оширишини ёқлаши керак.

— Террорчилар ҳақида маълумотлар берилганда қўшимча рағбатлантиришни вужудга келтириш. 1984 йилдаги **"Халқаро терроризмга қарши кураш тўғрисида"**ги Қонунда террорчилик хуружларини фош этувчи маълумотларга 500 минг АҚШ доллари миқдорида мукофот белгиланган. Давлат Департаменти, Адлия вазирлиги ва Марказий Разведка Бошқармаси билан ҳамкорликда алоҳида шахсларни террорчилар жойлашган жой ва шахс ҳақидаги маълумотларни бергани учун ҳам қонуний тарзда мукофот жорий этилиши керак.

— Жиноятчиларни тайёрловчи махсус лагерларни тақиқлаш. Тегишли идоралар Америкада ўқ-отар қуроллари ва портлатувчи моддалардан фойдаланишни ўрганувчи хорижий фуқаролар сонини доимо назорат қилиб туришлари ҳамда керакли ҳолларда қўшимча таклифлар киритилишини талаб этишлари керак.

— Терроризмнинг ички халқаро ҳуқуқий меъёрлар билан алоқадорлигини ўрганиб чиқиш. Халқаро ва ички қонун-қоидалар мажмуаси оддий можаро ҳамда жиноятчилик масалаларини ҳал қилади. Аммо терроризм ҳақида гап кетганда, уларни ваколати доирасида бир қанча муаммолар пайдо бўлади. Масалан, **"Ҳарбий кучлардан терроризмга қарши курашда фойдаланиш тўғрисида"**ги Қонунда бир қатор ноаниқликлар мавжуд. Бундай ноаниқликлар ҳукумат томонидан террорчиларга қарши тезкор чора-тадбирлар ишлаб чиқишга тўсқинлик қилмоқда. Давлат Департаменти ва Адлия вазирлиги Халқаро қонунчиликда террорчиларга қарши ишлаб чиқилган илмий изланишларни рағбарлантириб боришлари лозим.

— Хусусий секторлардаги айрим операцияларнинг қонунийлиги аниқ бўлиши. Айрим ҳолларда хусусий шахслар ва компаниялар гаровдаги ишчилари ва ўғирланган мол-мулклари учун катта товон тўлайди. Бундай ҳолатлар давлатнинг террорчиларга қарши олиб бораётган кескин чоралар кўришига тўсқинлик қилади. Адлия вазирлиги бундай "товон" тўловлар ноқонуний экани туфайли қонунлаштириш йўлларини кўриб чиқишлари керак.

Гаровда ушланган шахсларни озод қилишда муаммолар пайдо бўлса, уларнинг яқинлари дарҳол юқори органларга хабар қилишади ва бу хатти-ҳаракатлари билан гаровдагиларни озод этишни қийинлаштиради ёки ОАВни эътиборини ўзига жалб этади. Бундан ташқари махфий ахборотнинг ошкор тус олиши гаровда турганларнинг ҳаётини хавф остига қўяди.

— ОАВ билан ҳамкорлик қилиш. Террорчилар мақсадга эришиш йўлида АҚШ даги нашр эркинлигидан унумли фойдаланишмоқда ва ОАВнинг эътиборини жалб қилиш учун ҳар хил шов-шувлар тарқатмоқда. Шунинг учун АҚШ ҳукумати қўпорувчилик содир этилганда ОАВга керакли маълумотларни ўз вақтида бериши лозим. ОАВ ходимлари ва ҳукумат аъзоларининг биргаликда терроризм муаммосига бағишланган учрашувлари юқори самара беради. АҚШнинг терроризмга қарши кураш ва унинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлари бошқа мамлакатларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

«Юридическая газета»дан
Санжар ТОШПЎЛАТОВ ва Олим МАШАРИПОВ таржимаси

Мавзуга қайтиб

КЕЛАЖАК МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ

"Азиз биродарлар, ўзингиз ўйлаб кўринг, бу ёруғ дунёда инсондан нима қолади? Йиққан-терганинг бир кун тугайди. Сендан ёдгорлик бўлиб, умринг давомчиси бўлиб, чироғингни ёқадиган фарзанд қолади. Агар фарзанд соғлом, оқил, иймон-эътиқодли бўлса, ота-онасига фақат раҳмат келтиради, одамларга наф келтиради, эл-юрт назаридан ҳеч қачон қолмайди", - дея таъкидлаган мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган илк кунлардан бошлаб таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, таълим тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилди. Уларнинг самарасини ҳамма кўриб-билиб турибди. Шу билан бирга, минг афсуслар бўлсинки, таълим соҳасида салбий ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Аввалги мақолаларимизда ҳам таъкидлаб ўтганимиздек, устозларимизга маломат қилиш ниятида эмасмиз. Уларга нисбатан ҳамиша қўлимиз кўксимизда таъзим қиламиз. Қолаверса, бу мақолалар билан бировнинг дилини оғритиш ёки кимнидир ёмонотлиқ қилиш фикридан ҳам йироқмиз. Айтмоқчи бўлганимиз шуки, кейинги пайтларда мактабларимизда айрим салбий ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда Шундай экан, келинглар, ўз вақтида мана шу иллатнинг олдини олайлик. Қўлни-қўлга бериб ишласак, ҳеч қачон ютқазмаймиз. Зеро, фарзандларимизнинг баркамол авлод бўлиб вояга етиши, шубҳасиз, сиз билан бизга боғлиқ. Кичик карвон, албатта, катта карвоннинг изидан юради, дейди боболаримиз. Бу гап бекорга айтилмаган. Бугун сизу биз — ота-оналар ва ўқитувчилар фарзандларимиз ва шогирдларимизга ҳаёт таълимини бераётганлигимизни асло унутмайлик. Улар бизга қараб бўйларини ўлчайди, яъни ҳар бир шогирд ўз устозига ўхшагиси келади. Шундай экан, биз уларга лойиқ устозлар бўлишимиз керак. Бўлмаса, эртага бармоқ тишлаб қолишимиз мумкин.

Мана, газетамизда мақола чоп этилганига икки ҳафта бўлаяпти. Бу орада таҳририятимизга бўлган қўнғироқлар ва келган мактублар кўрсатиб турибдики, бу соҳага ҳеч ким бефарқ эмас экан. Бизнинг мақсадимиз айни мавзуга нисбатан жамоатчилик фикрини уйғотиш эди. Қайсидир маънода мана шу мақсадимизга эришдик ҳам. Қуйида эълон қилинаётган мулоҳазалар бунинг исботидир. Қолаверса, улар таълим-тарбия масалаларига бағишланган баҳсни вужудга келтирмоқда. Умид қиламизки, бўлажак баҳсларимизда кенг жамоатчилик вакиллари баробарида таълим тизимидаги мутасадди ташкилотлар ҳам иштирок этади. Атайлаб бу гапни таъкидлаётганимизнинг боиси бор. Чунки биз кўтарган масала барча юртдошларимизни қизиқтириб, турли вилоятлару туманлардан мактублар келаётган, қўнғироқлар бўлаётган бир пайтда, Халқ таълими вазирлиги мутасадди ва мутахассислари негадир жим туришди. Агар улар ҳам баҳсимизда қатнашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришса, асло фойдадан холи бўлмайди.

ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Журналист Ислом Ҳамронинг "Таъмагирлик тарозуси" ("Инсон ва қонун", 19 февраль) сарлавҳали мақоласи ҳамма касб эгаларини қизиқтирган бўлса ажаб эмас. Негаки, ким қайси жабҳада фаолият юритмасин, барчани фарзанд тарбияси деган муаммо ташвишлантириши аниқ.

Зеро, ким ҳам ўз фарзандини рисоладагидек камол топишини истамайди, дейсиз?! Шундай экан, нури дийдангизга унинг муаллими қандай муносабатда бўлиши, албатта, муҳим аҳамиятга эга. "Наҳотки журналист ҳамма ўқитувчиларни шунчалик тубан деб ўйласа". "Ўқитувчи бечора нима қилсин, ахир бошқа соҳада ҳам таъмагирлар кам эмас-ку?!" "Ота-оналар ўзлари кўш қўллаб олиб келиб бергандан кейин муаллимларни айблаш инсофданми?". "Бу мақола тарбиячилар шаънига доғ туширмайдими?". Ушбу фикрлар турли суҳбатларда айнан мураббийлар томонидан билдирилган. Албатта, юз одамдан юз хил фикр чиқиши табиий. Лекин таъкидлаш жоизки, мақолада тилган олинган муаммога бугун кўпчилик тўқнаш келмоқда, десак хато бўлмас. Қолаверса, мақола муаллифининг заҳматкаш ва мўътабар касб соҳибларини ёппасига айблаш нияти йўқ. Аксинча, мақола аввалида ўқитувчиларни қанчалик ҳурмат қилинса, шунчалик кам экани минг бир истиҳола билан тилга олинган.

Тўғри, ҳар ким ўз фикрини исботлаш мақсадида турли далиллар излайди. Лекин мазкур масалада ҳар биримиз қалбимиз тубидаги асл ҳақиқатни, керак бўлса, иймон ва диёнатни ҳакамликка чорласак айни муддао бўлур эди. Шахсан мен болалик даврларимни кўз олдимга келтиргудек бўлсам, ўқитувчилар покиза бир инсон сифатида гавдаланади. Зеро, ўша пайтлар энг зиёли, энг маданиятли шахс деганда аввало устозимизни англардик. Наҳот, бугун шундай муқаддас тушунчаларни бой бераётган, совураётган бўлсак?!

"Мен ҳеч кимдан совға сўраганим йўқ, ўқувчиларимнинг ота-оналари ўзаро маслаҳатлашиб шундай қарорга келишган". Шундай баҳонани кўп ўқитувчилардан эшитиш мумкин. Аслида бу сўзлар самимиятдан йироқ. Агар сиз таъмагир бўлмасангиз, ўша ҳолатларга қарши курашдингизми? Ота-оналар ҳам, очиғи, сизнинг таклифингиздан сўнг тўпланишгани, уюшишгани бор гап-ку?! "Чин юракдан қилинган совғани қандай рад этиш мумкин?". Четдан қаралганда, бу гапга эътироз билдириш мушкулдек. Лекин ўша совғанинг чин юракдан қилинганига астойдил ишониш қийин. Чунки ташаббус ота-оналар томонидан чиқмаган.

Фарзандларимдан бири ўқийдиган синфда ушбу масала хусусида ота-оналар тўпланиб, ўзаро маслаҳат қилганимиз эсимда. Кимдир фалон сўмдан йиғайлик, деса, тағин кимдир бошқа бир таклифни киритди. Ўшанда бир зум ўйга толгандим. Улар айтган пулни тўлаш менга унчалик оғир эмас эди. Лекин шуни аниқ билардимки, бу пулни топиб беришга қийналадиган ота-оналар ҳам сафимизда анча. Шу гапни айтдим. "Ие, нима деяпсиз, — дея тап тортмай эътироз билдирди менга синф раҳбари, — нариги синфдаги болаларнинг ота-оналари сизлар айтган миқдордан уч баравар кўп пул йиғишяпти". Ана сизга устознинг маънавий қиёфаси! Мана шунга ўхшаш мураббийларни таъмагир деб аташ тўғри эмасми?

Инсоният тарихига назар солсак, бу касб соҳиблари кўпроқ фидойилик билан из қолдирганига шоҳид бўламиз. Тарбия халқимизнинг ҳаёт-мамот масаласидир. Ана шу муқаддас вазифани уддалаётган зотлар учун эл-юрт эъзозидан юксак мукофот, тухфа йўқ, Демак, муаллимларимиз ана шу эҳтиромни қалбдан ҳис этишлари бир тарафдан сиз ва бизга — кенг жамоатчиликка ҳам боғлиқ экан. Зеро, ҳар қандай шароитда ўқитувчининг юксак шаъни, обрў-эътибори оддий буюм ёки совға билан ўлчанмаслиги керак.

МУШОҲАДАГА ЧОРЛАЙДИ

Муҳаммаджон АҲМЕДОВ,
адабиётшунос

Ривоят қилишларича, Мисрни забт этган турк ҳоқони Султон Салим Истамбулга қайтганида дастлаб устозига таъзим бажо келтирган экан. Сўнг устозини ёнига олиб зафар тантанаси нишонланадиган жойга жўнабди. Аркони давлат манзилга яқинлашганда бирдан зафар куйлари янграб, ноғораларнинг баланд овозидан ҳукмдорнинг устози минган от ҳуркиб кетибди. Шунда отнинг туёқларидан сачраган лой Султоннинг тантаналарда киядиган оппоқ кийимига тегиб, уни ифлос қилибди. Буни кўрганлар қаттиқ саросимага тушиб қолибди. Бироқ Султон Салим мамнун ҳолда вазирлардан бирига шундай дебди:

— Лой теккан бу кийимни авайлаб сақлаб қўйинг. Муҳтарам устозимнинг оти оёғидан сачраган лой бизнинг шарафимиздир. Бу лой охиратда васиқаи баротимиз бўлади.

Устозларни шарафловчи бундай ривоятларни эшитиб, беихтиёр ўйга толасан, киши. Тасаввур қилайлик: бирор амалдор дўстимиз хизмат машинасида ғизиллаб бораётган чоғда бекатда турган муаллим-устозига бирдан кўзи тушди. Шундай пайтда амалдор замондошимиз машинасини тўхтатиб, устозини манзилига элтиб қўядими? Тўғри, шундай қилиши мумкин. Аммо бу ҳол ноёб ҳодисага айланиб бораётгани ҳам бор гап. Шу боис маънавиятимиздаги кемтиклар хусусида ҳар қанча гапирсак ҳам озлик қилади. Шу маънода журналист Ислом Ҳамронинг "Таъмагирлик тарозуси" мақоласида ғоят долзарб масала қаламга олинган. Маълумки, ҳар бир янги авлод ўз ҳаётини жамиятнинг олдинги даврларида юз берган тараққиёт билан таққослаб кўради. Шунинг баробарида юз берган таназзул сабабларини ҳам таҳлил этади. Бу нарса ўтмишдаги камчиликларни такрорламаслик ва келажакдаги тўғри йўлни белгилаш имконини беради.

Яширишнинг ҳожати йўқ, иқтисодий муносабатлар ўзгариши баробарида айрим инсонлар, хусусан, мураббийлар маънавиятида ҳам кутилмаган ўзгаришлар юзага келди. Баъзи муаллимлар ўз касбидан юз буриб, "ҳозирим-ҳузурим" деб мўмай даромад келтирувчи соҳаларга ўзларини ура бошлади. Айрим ношуд "устоз"лар манфаат "қули"га айланиб қолишди. Журналист Ислом Ҳамро ана шу иллатлар муаллимлар шаънига нолойиқ эканини таъкидлаган ҳолда маънавиятимиз ҳақида сўз юритган. Шу маънода мазкур мақола айни вақтида ёзилган. У барчамизни мушоҳадага чорлайди.

Митти маслаҳат

ЎҚИТУВЧИ ИМТИЁЗЛАРИ

Келажак авлоднинг билим даражаси, онги, тафаккури юқори бўлишида ўқитувчиларнинг хизмати асосий ўрин эгаллайди. Шундай экан, хўш, масъулиятли касб эгаларига қонунчиликда қандай имтиёзлар белгиланган?

Мамлакатимиз Президентининг 1990 йил 2 июндаги "Бошланғич синфлар ўқитувчиларининг маошини ошириш", 1990 йил 13 ноябрдаги 93-сонли "Турли хил мактаблар ўқитувчилари, болалар уйлари тарбиячиларига бериладиган қўшимча имтиёзлар ва юқори синф ўқитувчиларининг маошини ошириш", 1991 йил 29 декабрдаги VII-306-сонли "Нарх-наво оширилиши муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимояга олиш чоралари", 1992 йил 5 февралдаги VII-330- сонли "Республика Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор — ўқитувчилари, илмий ходимлар ва ўқув таълимидан ташқари ёрдамчи хизматчиларга бериладиган қўшимча имтиёзлар" ҳақидаги фармонларига асосан ўқитувчилар давлат ва ташкилотлар ҳисобидаги уй ва турар жойларни шахсий мулк сифатида хусусийлаштириб олишга ҳақли. Шахсий уй қуриш учун уларга бепул ер бериладн. Сув, газ, электр токи ва иссиқлик учун тўловлардан 50 фоизга озод этилади. 25 йил меҳнат фаолиятига эга бўлган ўқитувчиларга нафақага чиқиш ёши белгиланган: аёлларга — 50, эркакларга — 55 ёш.

Мазкур имтиёзлар ўқитувчиларимиз кучига куч қўшиб, юқори кайфиятда фаолият кўрсатишларига кафолат бўлмоқда.

Ўқитувчи ва мураббийлар хизматларининг давлат эътиборида эканлиги 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган **"Ўқитувчи ва мураббийлар кунини белгилаш тўғрисида"**ги Қонунда ҳам ўз ифодасини топди. Яъни Олий Мажлис қарори билан 1 октябр "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" деб белгиланди. Бу кун Меҳнат Кодексининг 131-моддасига байрам (дам олиш) куни деб киритилиб, касб байрамидан умумхалқ байрамига айлантирилди.

ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИ КИМГА БЕРИЛАДИ?

Мамлакатимиз демократик ривожланиш йўлини танлаган. Шунинг учун, қонунларимиз халқаро ҳуқуқ меъёрларига мос равишда ишлаб чиқилмоқда. Шу билан бирга, ўзимизнинг маҳаллий шарт-шароитлар ҳамда урф-одатлар ҳам эътиборга олинмоқда. Лекин баъзи қонунларимиз айрим масалалар юзасидан халқ орасида юз йиллар давомида шаклланиб келган анъаналардан фарқ қилиши ҳолатлари кузатилмоқда. Хусусан, васиятнома ҳақида одамлар орасида бироз хато тасаввурлар тарқалган. Айрим кишилар васият қилувчи ўз турар-жойини бирор кишига васиятнома орқали қолдирдими, демак, ўзи вафот этгандан кейин ўша турар-жой ўз-ўзидан фақат васиятномада кўрсатилган шахснинг мутлақ мулкига айланади, деб ўйлашади. Ана шу турар-жойда рўйхатда турувчи шахслар ҳам яшаш ҳуқуқини сақлаб қолиш эсдан кўтарилади. Айрим ҳолларда васият бўйича турар-жойга эгалик қилиш ҳуқуқини олган шахслар хонадон рўйхатига олинган бошқа қариндош-уруғларидан уйни бўшатиб қўйишни сўрашади ёки ана шу хонадонда рўйхатда турган бўлишига қарамай бошқа жойда яшаётган қадрдон оғайнилар турар-жойни талашиб судлашиши ҳолатлари ҳаётимизда учраб турибди.

Мисол учун, Сайдулла исмли фуқаро оиласи билан яшаётган ҳовли-жойни отаси унинг ўғлига, яъни неварасига нотариал тасдиқланган васиятнома орқали қолдирган. Отаси бундан икки йил олдин вафот этгач, Сайдулланинг икки марта турмуш қурган кичик укаси Тўлқин ҳовли-жойдан ўз улушини талаб қила бошлайди. Тўлқин бу ҳовлида яшовчи сифатида рўйхатда туришига қарамай хонадонда анчадан бери яшамас экан. Бунинг устига отаси ҳаётлик пайтида ўғлидан норози бўлганлиги учун ҳовли-жойни неварасига васият қилиб қолдирган ва шу тариқа уни мероcдан маҳрум қилмоқчи бўлган.

Тўлқин ўзини оиласи билан биргаликда мана шу хонадон рўйхатига ўтишни сўраб туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига ариза билан мурожаат қилган. Суд унинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарган. Бунга асосий сабаб сифатида Тўлқиннинг мана шу хонадонда рўйхатда туриши кўрсатилган. Табиийки, Тўлқиннинг акаси суд қароридан норози бўлиб, вилоят фуқаролик ишлари бўйича судига апелляция тартибида шикоят келтирган. Бироқ вилоят суди туманлараро фуқаролик ишлари судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдирган. Суд қарор чиқариш вақтида оиласини уйга киритишни сўраган Тўлқин низоли ҳовлида рўйхатда турганлигини асос қилиб олган. Бироқ маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва ён-атрофдаги қўни-қўшнилар тарафидан Тўлқиннинг аслида бу ҳовлида анча йиллардан бери яшамаётгани ҳақида берилган маълумотнома ва тушунтириш хатлари эътиборсиз қолган.

Ўз номи қайд этилган турар-жойда эмас, балки бошқа бир хонадонда узоқ вақт рўйхатдан ўтмасдан яшаш паспорт режимини бузиш ҳисобланиб, маъмурий жавобгарлик қўллашга асос бўлади. Бунинг устига Тўлқин бошқа вилоятда яшаб келган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддасига кўра, вояга етган ва меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур. Бундай модда дунё мамлакатлари ичида фақат бизнинг Конституциямизда қайд этилган. Ана энди савол туғилади: ҳамма қонунларнинг асоси бўлган конституциявий модда кучлироқми ёки Уй-жой кодекси моддаси? Суд қайси моддани қўллаши зарур эди? Ота конституциявий бурчини бажармаган фарзандини меросдан маҳрум қилиш учун бор мол-мулкини неварасига нотариал тасдиқланган васиятнома орқали мерос қилиб қолдирса-ю, отанинг вафотидан кейин ноқобил фарзанд ўз туғишганлари билан низолашиб, суд қарори асосида ҳеч нарса бўлмагандек ота ҳовлисига яшаш учун кириб борса?! Янги мулк эгаси бўлган неваранинг розилиги олинмайдими?

Мерос ҳуқуқи бўйича ривожланган давлатлар тажрибасига назар ташласак, турар-жой эгаси мутлақ ҳуқуққа эга бўлиб, хоҳласа ана шу хонадонда яшаётган бошқа шахслардан уйни бўшатиб қўйишни талаб қилиши мумкин. Бу борада бизнинг қонунчилигимиз ҳаддан ташқари юмшоқ эканлиги маънавий қадриятларимизни ва ота-онасини ҳурмат қилмайдиган айрим кимсаларга қўл келмаяптими?

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг "Қонун бўйича ворислик" деб номланган 68-боби моддаларига кўра, невара қонун бўйича мерос олишда ворислик мақомидан тушиб қолган. Фикримизча, невара ҳам узвий равишда энг яқин қариндошлар сирасига кириши керак.

Бундан 10-15 йиллар аввал мерос талашиб судлашиш ҳолатлари камдан-кам учрар, бундай кишиларга нисбатан жамоатчилик орасида салбий фикрлар билдириларди. Мерос ҳуқуқи бўйича қонунчилигимиз халқнинг урф-одат меъёрига зид келиши натижасида сўнгги йилларда ака-ука, опа-сингил ёки қариндош-уруғлар ўртасида мерос туфайли жанжал келиб чиқиш ҳолатлари кўпайганлигини қайд этиш керак. Ўтган йили биргина Тошкент шаҳрининг ўзида олти мингта яқин шу хусусдаги ишлар судда кўрилганлиги фикримизни яққол исботлайди.

Тириклик пайтида бир фарзандидан рўшнолик кўрмаган ота-оналар хусусий мол-мулкини бошқа бирига нотариал тасдиқланган васиятнома орқали мерос қилиб қолдиришади. Бироқ ота ёки она вафот этгандан кейин меросдан маҳрум қилинган фарзандлар судга ариза билан мурожаат қилиб, васиятномани имзолаш пайтида ота-онаси гўё ўзини билмайдиган даражада касал эканлигини важ қилиб, меросга даъвогарлик қилиш ҳолатлари суд амалиётида анча-мунча учраб турибди. Натижада эса айрим нотариал васиятномаларнинг суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши фуқароларнинг нотариус идораларига бўлган ишончи сусайишига олиб келиши мумкин.

Ушбу масала юзасидан шу соҳанинг мутахассислари нима дейди?

Бахтиёр ШОҲНАЗАРОВ,
ҳуқуқшунос

СОХТА "МУАЛЛИМ"ЛАР

Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Ўқитувчи ҳамиша ҳурматга лойиқ бўлиб келган. Зеро, улар ўз билим ва тажрибалари билан ёш авлоднинг тарбиясидек ўта масъулиятли, айни пайтда шарафли вазифани бажариб келишмоқда. Аммо орамиздаги айрим нопок инсонлар ана шу шарафли касб эгалари шаънига доғ тушириб, ёш авлод тарбиясидек қутлуғ ишга "бош суқмоқда". Уларнинг қинғирликлари нафратга сазовордир.

Энди улар "фаолияти"нинг ибтидоси билан танишинг.

Сариосиёлик Ражабали Юсупалиев 1996 йилнинг айни ёз ойларида Самарқанд шаҳрида бир нотаниш кишидан 8 минг сўмга Самарқанд Давлат университетининг 1991-96 йиллар давомида кимё факультетини тугатганлиги тўғрисидаги 021045 рақамли 1996 йил 2 июл кунида 343965-рақам билан қайд этилган сохта дипломни сотиб олди. Шу тариқа Ражабали олий маълумотли ўқитувчига айланди-қолди. У 1999 йил сентябр ойида қалбаки дипломни Сариосиё туманидаги 35- ўрта мактаб директорига тақдим қилди. 1999-2001 йиллар давомида ана шу мактабда қалбаки диплом билан ўқувчиларга кимё фанидан "таълим" берди. "Эгри қўл ишга етмас, ишга етса ҳам иши битмас", деганларидек, прокуратура текширувидан сўнг сохта дипломли "кимёчи муаллим"нинг сири очилиб қолди...

Қурбонали Сайдалиев ҳам гарчанд ҳаётида бирон марта ҳам собиқ Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтининг бўсағасини босмаган бўлса-да, мазкур илм даргоҳининг НЛ 359587-рақамли, 1993 йил 2 июл кунидаги 48981-сонли рақам билан қайд қилинган химия ўқитувчиси мутахассислиги билан 1996-2001 йиллар давомида Сариосиё ХТБга қарашли 36-умумтаълим мактабида химия фанидан "баҳрли қудрат" ўз шогирдларига "билим" бериб юрди. Қандай савия билан билим берди—у ёғи бизга қоронғу.

Яна бир «қаҳрамонимиз» Иброҳим Акрамов ўз ҳамтовоқларидан бир парда пастроққа тушди. Яъни олий маълумот эмас, "бизга ўртачаси ҳам бўлаверади", дея 1989-92 йилларда (собиқ Тошкент педагогика билим юрти) ҳозирги 1-Тошкент педагогика билим юртининг бошланғич синфда таълим бериш мутахассислиги бўйича МТ 380825-рақамли сохта дипломни қўлга киритганича, Сариосиё туманидаги 14-ўрта мактабда "устозлик" қилди. У бошланғич синф ўқувчиларига қай даражада муаллимлик қилди экан? У ҳойнаҳой "алдагани бола яхши", деган ўгитга "амал" қилган бўлса, ажаб эмас. Хуллас, эгри калтакдан тўғри соя тушмаслиги бор гап.

Сохта дипломли "муаллимлар" орасида аёлларнинг борлиги ҳам кечирилмас иллатга ўхшаб кетади. Олмахон Йўлдошева 1991 йилнинг ноябр ойида Сариосиё туманидаги "Дашнобод" ширкат хўжалигига меҳмонга борганида ўша ерда яшовчи таниши Шаҳло Тилаковадан 2500 Россия рублига Тошкент педагогика билим юртининг РВ 335875-рақамли дипломини сотиб олди. Ва ҳеч бир уялмасдан сохта диплом билан шу туман ХТБга қарашли 33-ўрта мактабда бошланғич синф "ўқитувчиси" бўлиб "фаолият" кўрсатиб юрганида, туман прокуратурасининг ўтказган текшируви натижасида қалбаки ишидан ажралиб қолди ва тегишли жойда қинғирлиги учун жавоб берди.

Барно Усмонова ҳам қинғирликда устаси фаранг экан. У гўёки 1994-97 йилларда Тошкент педагогика билим юртида бошланғич синф ўқитувчиси мутахассислиги бўйича "сабоқ" олган. Барно ушбу илм даргоҳининг 097155-рақамли 1997 йил 260-рақам билан қайд қилинган сохта дипломини 10 минг сўмга сотиб олиб, уни тумандаги 18-ўрта мактаб директорига тақдим этди. 1997 йил 1 сентябридан 2001 йиллар давомида ушбу даргоҳда бошланғич синф "ўқитувчиси" бўлиб "ишлаб" келди. Прокуратура ўтказган текширувда сохта "муаллима"нинг ҳам фаолиятига якун ясалди.

* * *

2000 йилнинг ёз ойлари эди. Бехосдан ҳовли дарвозаси тақиллади. Хонадон соҳибаси Муҳаббат Худойқулова дарвозани очиб, нотаниш кишининг саволига тўқнашди:

— Мабодо диплом сотиб олмайсизми? — дея талмовсиради нотаниш киши.

— Қаерники? — деб иккиланмай сўради мезбон ҳам.

— Тошкент педагогика билим юртининг бошланғич синф ўқитувчиси мутахассислиги бўйича.

— Ў, айни кўнглимдаги диплом экан. Нархини билсак бўладими? — деб бирданига савдога ўта қолди Муҳаббатхон.

— Муомалангиз яхши экан, шу сабаб сизга анча арзонга бераман. Бор-йўғи 15 минг сўм берсангиз, диплом сизники!

Муҳаббат опа ҳовлиси бўсағасидаги «бахт қуши»ни қўлдан чиқармаслик учун ўзаро келишилган пулни нақд санаб берди. Шундан сўнг у Сариосиё туман ХТБга қарашли 64-ўрта мактабда роппа-роса бир йил "шогирдлари"га она тили ва адабиётдан "сабоқ" берди. Ёмон билан йўлдош, нодон билан сирдош бўлма, дейдилар. Муҳаббат Худойқулова ҳам диплом сохта эканлигини била туриб, қинғир ишга қўл урди. Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади. Сохта "муаллима"нинг она тили ва адабиётдек муқаддас фандан "сабоқ" беришига чек қўйилди.

Мақоламизга «қаҳрамон» бўлган инсонлар оқу қорани таниган, фарзандли оила бошлиқлари ва бекаларидир. Табиий савол туғилади: наҳотки, улар ёшлар тарбиясидек улуғ ишга била туриб қинғирлик билан ёндашиш катта гуноҳ эканлигини тушуниб етишмаган бўлса? Қалбаки диплом билан ўқувчиларга "сабоқ" берган бу тоифа инсонлар қалтис, айни пайтда ёш авлодни тарбиялашдек нозик вазифага хиёнат қилишга қандай ақл билан жазм этишди экан? Улар "устозлик" қилган даврларида ўқувчилар қанчалик билим олишди?

Хулоса ўрнида ҳали ҳам ана шундай сохта дипломлар билан мактабларда "ўқитувчилик" қилаётган инсонлар бор бўлса, дарҳол қинғир ишларига чек қўйишларига даъват этган бўлардик. Зеро, бундайларнинг бугун бўлмаса, эртага сири ошкор бўлиб, қўни-қўшнилар, маҳалладаги таниш инсонлар олдида юзлари шувут бўлиб қолиши шубҳасиз.

ОЛИМ БЎЛМА, ОДАМ БЎЛ

Норбек МУСТАФОЕВ,
пенсиядаги ўқитувчи,
халқ таълими аълочиси

Ўқитувчилик ҳеч қачон осон касб бўлмаган. Чунки бир синфда таълим оладиган ўқувчиларнинг ҳар бири алоҳида хусусиятга эга. Шу боис болани энг аввал ота-она ва маҳалла-кўй тарбиялайди. Совғасалом нима, таъмагирлик, порахўрлик нима ва иззат-ҳурмат нима эканини фарзанд энг биринчи ота-онасидан ўрганади. Ота-онанинг дўстлари ким ва улар бир-бирларини қайси фазилатлари учун ҳурмат қилади — ана шу нарса боланинг тарбиясида муҳим ўрин тутади. Ўқитувчи ана шу жараёнга ҳисса қўшади: боланинг билими ва одобини бойитади.

Ф. обрў-эътиборли бир оиланинг фарзанди. Отаси нуфузли бир ташкилотда катта лавозим эгаси бўлса, онаси маърифат даргоҳида хизмат қилади. Оиладаги муҳит ҳам ёмон эмас. Ф.нинг ўзи коллежда таҳсил олади. Хуллас, маҳалла-кўй учун бу оиланинг ибратли жиҳатлари талайгина.

Хўш, гап нимада? Ф.га нима етишмайди деб ўйлайсиз?

Кейинги пайтда Ф.нинг юриш-туриши, ўзини тутишида ғалати ўзгаришлар пайдо бўлганини аввало онаси, кейин бошқалар сезишди. Чунки у ҳожатхонада узоқ вақт қолиб кетадиган, у ердан ғалати аҳволда чиқиб, ётоғига кириб олганча узала тушиб ётаверадиган одат чиқарди.

Сўнг уйдаги кўзга кўринарли буюмлар аста-секин "ғойиб" бўла бошлади. Навбат Ф.нинг кийимларига ҳам етди шекилли, бир куни онаси Ф.нинг анчадан буён бир чеккада ётган эски пойабзални кийиб юрганига кўзи тушдию, ажабланиб:

— Ўғлим, даданг янги туфли олиб берганларига уч кун ҳам бўлмади-ку?! Қани ўша, нега буни кийиб олдинг? — деб сўрашга мажбур бўлди.

Ф. онасига жўяли жавоб беролмади.

Шу тариқа ота-она кечикиброқ бўлса-да, унинг қанақа "касал"га чалинганини пайқашди. Бироқ уни энди инсофга чақиришга кеч бўлган эди.

Ф.нинг умрини гиёҳвандлик барбод этди.

Хўш, кўпчилик учун ўрнак бўлган бу оиланинг фарзанди қандай қилиб бу боши берк кўчага кириб қолди экан? Бунга ким айбдор? Ота-она қай даражада айбдору муҳит қай даражада?

Бу каби саволларга жавоб топиш осон эмас.

Қилмиш-қидирмиш

АЖАЛ ТЎРИ

Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизини ёшлар ташкил этади. Шундай экан, ёшлар ҳамда вояга етмаганлар орасидаги гиёҳвандлик ва унинг олдини олишга қаратилган тадбирлар бугун алоҳида долзарблик касб этмоқда.

"Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Қонунда гиёҳвандлик руҳий-жисмоний қарамлик билан боғлиқ касаллик, деб таъриф берилган. Ушбу касалликнинг хавфли тарафи шундаки, биринчидан, у жиноятчилик билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, аҳоли генофондининг кескин бузилишига замин яратади.

Халқимизда ҳар қандай касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш керак, деган ибора бор. Бунинг учун энг аввал, гиёҳванд воситаларни истеъмол қилувчилар учун даволаш пунктларини очиш ҳамда уларнинг фаолиятини алоҳида назоратга олишни кучайтириш зарур. Бундай пунктларга нафақат гиёҳвандликка чалинган ўспирин ёшлар, балки уларнинг тақдиридан хавотирланган оила аъзолари ҳам мурожаат қилишлари мумкин.

Олий ўқув юртларида ўспиринлар ва ёшлар наркодиспансерларида фаолият кўрсатадиган психолог-нарколог мутахассисларни тайёрловчи факультетларни очиш ҳам фойдадан холи эмас. Гиёҳвандликнинг олдини олиш дастури бўйича гиёҳвандлик туфайли азобланувчи шахсларни даволаш ва реабилитация қилиш билан шуғулланувчи ходимларни тайёрлаш самарали натижа беради, деб ўйлаймиз. Шунингдек, гиёҳвандларни даволашда соғлиқни сақлаш муассасаларида махсус ётиб даволанадиган фонддан фойдаланишдан ҳам ижобий натижаларни қўлга киритиш мумкин.

Маълумотларга кўра, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар савдоси билан шуғулланган шахсларнинг кўпчилиги бундай моддаларни умуман истеъмол қилмас экан. Ҳаттоки яқин қариндош-уруғларини ҳам гиёҳвандликка яқин келтирмас экан. Шуниси қизиқки, ўзлари захри қотилнинг зиён-заҳмати қанчалик катталигини билишса-да, кимнингдир фарзанди, кимнингдир турмуш ўртоғи ёки опа-сингилларини бу йўлга бошлашнинг охири фожиа билан тугашини билиб, билмасликка олар экан. Чунки улар ана шу йўл орқали мўмайгина тушадиган фойдадан айрилишни хоҳлашмайди.

Табиийки, гиёҳвандлар сони кўпайгани сайин гиёҳвандлик воситалари билан ноқонуний равишда савдо қилиш ҳам кучайиб боради. Мамлакатимизда 2000 йилда 2100 килограмм гиёҳвандлик воситалари мусодара қилинган бўлса, 2001 йилнинг 9 ойи мобайнида бу рақам 4200 килограммни ташкил қилган. Бундай ҳолат республикамизнинг барча вилоятлари, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси учун ҳам тааллуқли.

Тиббиёт ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари тиббий чоралар қўлланишини махсус профилактик таъсирнинг чўққиси, деб ҳисоблайди. Лекин шу ўринда биз мазкур касалликнинг олдини олишда руҳий-маънавий таъсир этишнинг ҳам жуда муҳим аҳамият касб этишини айтиб ўтмоқчимиз. Бунда гиёҳвандларни даволаш ва реабилитация қилишда деонтология фанининг ютуқларини амалда татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, наркомания ва таксикомания касаллиги билан оғриган беморлар даволанишини ташкил этишда вояга етмаганларнинг оиласи ҳамда яқинлари орасида тегишли психотерапевтик муҳитни яратишнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бу жараён шахснинг ахлоқий ҳолатини яхшилаш билан бирга инсонда тушкунлик ва оғир руҳий кечинмаларни бартараф этишда қўл келади.

Шунингдек, дунёвий илмлар эришган ютуқлар билан миллий қадрият тушунчалари биргаликда олиб борилса, гиёҳвандларга ижобий таъсир ўтказиш мумкин. Чунки инсон табиати гиёҳванд дори таъсиридан бузилиб, фақат дунёвий ҳузур-ҳаловатга қаттиқ ружу қўяди. Кўп асрлик миллий қадриятларимиз эса инсон табиатидаги дунёвий лаззатга нисбатан ўчлик ҳиссини маълум бир меъёрга туширади ва чуқур мазмун билан йўғрилган панд-насиҳатлар ғафлат тўрига илинган қалбни уйғотиб, ҳушёрликка чақиради.

Шуҳрат ИСРОИЛОВ,
ТДЮИ магистранти,
Маҳбуба ҲАЙИТОВА,
журналист

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир
Шодикул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғофур АБДУМАЖИДОВ
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРХАМИДОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-3143. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.00

Навбатчи:
Т. ҲАСАНБОЕВ

Саҳифаловчи:
Жаъфар ЖАББОРОВ

Компьютер оператори:
М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047,
Тошкент шаҳри,
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18
(умумий бўлим),
133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.